



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil

5-dekabr №49 (4292)

8 ДЕКАБР – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор... Конституциямиз қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилиши керак.

Ислом КАРИМОВ

БОБОЛАР ЮРТИДА НАВҚИРОН ҲАЁТ

Термиз... Ватан қадимиятининг улғу тимсолларидан бири бу шаҳар. Амударё бўйида олис уфқларга вазмин нигоҳ ташлаб турган бу донишманд мўйсафид не-не кечмишларни, не-не тарихларни бошидан ўтказмаган.

Бир замонлар Чингизхон бу манзилга бостириб келганида, ҳали ҳеч қаерда дуч келмаган қаршиликка, жасоратга дуч келади. Чунки бу шаҳар "Мадина-и рижол" — "Маддлар шаҳри" эди. Маддлар шаҳарни жасорат билан мардона ҳимоя қиладилар. Шунда газабга минган Чингизхон: "Бу дунёда Термиз деган шаҳар-ку шаҳар, ҳатто унинг номини ҳам бутунлай йўқ қиламан!" деб аҳд қиладди. Лекин тарих мустақиллар иродаси билан яратилмайдиган, у халққа даҳлдор. Бу шаҳар ўз манзилида не-не тарихларни бунёд этишда давом этди. Юз йилликлар, минг йилликлар унинг порлоқ тимсолига муҳрланиб қолаверди ва бизнинг кунларга келиб, бу шаҳар яна шараф тожини кийди.

Яқинда Термиз шаҳрига Амир Темури орденини топиришга бағишланган тантанали маросим бу қадимий шаҳарнинг қаддини тоғдай кўтарди. Не-не алломалар-у авлиёлар бешиги Термиз мустақил Ватанининг муаззам шахри сифатида намоён бўлди. Муҳтарам Президентимиз тантанали маросимдаги нутқида: "Барчамиз учун муқаддас бўлмиш Термиз тупроғида қандай улғу аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар яшагани, улар Термизий деган ном билан ислом дунёсида қандай ёрқин из қолдирганлари ҳаммамизга яхши маълум" — дея буюк боболаримизнинг номларини эҳтиром билан ёдлаб ўтди. Дарҳақиқат, бугун Ҳаким Термизий, Абу Исо Термизий каби боболаримиз зиёратгоҳларига борган кишининг қалби фахр

ва ифтихорга тўлади. Кейинги йилларда бу жойлар нафақат юртимизнинг, балки дунёнинг обод ва муҳташам манзилларига айланиб бормоқда. Шундай дамларда кечаги кунларни ҳам эслаб қўйишимиз ва тарих сабоқларини унутмасдан зарур хулосалар чиқара билишимиз керак. Узоғи билан бундан ўттиз-қирқ йил олдин Ҳаким Термизий мақбараси мустақил ҳарбийларнинг қуролроқ сақлайдиган омборхонасига, кейинроқ эса, уларнинг кучуқлари сақланадиган итхонага айлантирилган эди. Бу бутун бошли бир халқнинг туйғуларини топташ эмасми? Эҳ Ҳаким Термизийни ота ўрнида Термиз Ота деб улуғлаган бўлса-ю, ҳукмрон тузум ота қабрини итхонага айлантирса... Бундай ҳақоратни қандай тушуниш керак? Бу гапларни бугунги ёшларга айтсангиз асло ишонишмайди. "Бўлиши мумкин эмас!" дейишади. Чунки улар бундай иблисона муносабатни тасаввурига ҳам сиғдиролмайдилар. Мустақилликдан сал олдинроқ ҳам Термиз шаҳрида мавжуд бўлган жами 19 та кўчанинг 18 таси "Советская", "Октябрьская" каби мустақил тузумнинг "визитная карточка"сига айланган сўзлар билан номланган эди. Фақат биттагина кўчага ўзбекча ном берилгани, у ҳам бўлса, ўша давр дастурларидан бўлмиш қандайдир ҳарбий арбоб номи... Қарангки, шу шаҳарда ўсиб-ўлғайиб дунёга ном таратган, тафаккури ва салоҳияти билан жаҳон ахли илмини ҳайратга солган, таъбир жоиз бўлса, Абдиат Академиясининг академиклари — Термизийларнинг номи билан кўча тугул, "ту-

пик"ка ҳам лойиқ қўрилмаган эди. Ушанда бу шаҳар маънавий қамал ҳолатидаги бир кўрғон эди. Ўша вақтлар Термизда бўлганлар, бу шаҳарнинг қанчалар нурсиз ва фэйсиз бир ҳолга тушганини яхши эслайдилар.

Ҳар бир қарич ери минг йилликлардан ҳикоятлар сўйлайдиган Термиз замини мустақиллик йилларида фэйз ва барақага бурканди. Шаҳарнинг қиёфаси бутунлай ўзгарди. Унда Алломиш ва Термизийларга хос салобату маҳобат намоён бўлди. Энди бу шаҳар ўз қиёфасида қадимийлик ва навқиронликни бирлаштирди.

Тарихий манбаларда Амир Темури ва барча темурийлар Термиз шаҳрига, Ҳаким Термизий руҳига эҳтиром кўрсатганлари, бу манзилда бунёдкорлик ишларини амалга оширганликлари, соҳибқироннинг суюкли рафикаси Бибихоним набираси Мирзо Улуғбекни Термизга олиб келиб, Пайғамбар оролга олиб ўтганлиги ва бошқа шу каби кўплаб маълумотлар келтириладики, булар темурийларнинг Термиз ва термизийларга меҳридан далолатдир. Шу кунларда Термиз шаҳрига Амир Темури орденининг топирилишини ҳам шу меҳр ва эҳтиромнинг тарихий давоми, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги руҳий бирлиكنинг натижаси десак бўлади.

Президентимизнинг: "Ўзбек курашининг ватани, макони ҳам аслида Сурхон воҳасидир. Ҳаммамиз яхши биламизки, мана шу кураш беллашувларида "ҳалол" деган сўз энг олий баҳо сифатида янграйди. Шаҳсан менга бу ибора бамисоли бутун халқимизга, жумладан, Сурхон элига мансуб энг улғу фазилатни ифода этаётгандек бўлиб туюлади" — деган юксак эҳтиром ва эътироф билан айтган гаплари бутун бир элга, эзгу орзу-ниятлар билан яшаётган, ҳалол меҳнат қилаётган инсонларга берилган энг муносиб баҳодир. Дарҳақиқат, бу элнинг насибаси ҳам унинг нон-тузи, манглай тери каби ҳалолдир.

Эшқобил ШУКУР,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими

Ифтихор

Театр санъати халқ турмуш тарзи, ўй-фикрлари, орзу-армонларининг акси бўлиш билан бирга, шу халқ маърифати ва маънавиятининг ойнаси ҳамдир. Ўзбек миллий театр санъатининг шаклланиш ва тараққиёт йўли бунинг ёрқин исботи. Инсон тафаккури ва истеъдоди маҳсули бўлган салкам уч минг йилга яқин даврни қамраб олган ўзбек театри ҳар бир даврда янгилиниб, ўзгача қиёфа касб этиб келди.

Айниқса, Истиқлол йилларида маданият ва санъатнинг бошқа соҳалари қатори театр санъатида ҳам янги давр бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати-мизнинг миллий театр санъатимизни ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлари ҳамда бошқа ҳужжатлар мустақиллик даври театри истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Хусусан, шу йил 22 январ куни қабул қилинган "Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Президентимиз қарори мамлакатимиз театрларининг юртимиз маънавий-маърифий тараққиёти йўлида

амалга ошираётган ишлари учун кўрсатилган юксак эътибор намунасидир. Утган ҳафта пойтахтимизда Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан адабий-бадиий тадбир бўлиб ўтди. Тад-

оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги, шунингдек, "Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан театр ижодкорларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"

тилган ҳужжатли филм, вилоятлар ва пойтахт театр жамоалари, санъат усталари иштирокидаги театрлаштирилган мусиқий дастур намоиш этилди.

...

Анжуман доирасида Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институтида «Ўзбекистон театр санъати:

тарих, тараққиёт ва истиқбол» мавзuida илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман шўъбаларга бўлиб ўтказилиб, биринчи шўъбада ўзбек театрининг шаклланиши ва ривожланиши, иккинчисида миллий драматургиянинг режиссёрлик изланишлари билан ўзаро алоқалари масалалари кўриб чиқилди. Икки кун давом этган мазкур тадбирда таниқли санъатшунос олимлар, соҳа мутахассислари мавзуларга оид долзарб маърузалари билан қатнашдилар. Шунингдек, "Ўзбек Миллий академик драма театри" китоб-албомининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Ўз ахборотимиз.



"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи

БУЮК ТАРИХ СОЛНОМАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" эпопеяси тақдироти бўлиб ўтди. Маънавият тарғибот маркази ҳамда Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур адабий анжуман мамлакатимиз бош қомуси — Конституциямизнинг 22 йиллигига бағишланди.

Буюк аждодларимиз тарихини ўрганиш, улар яратган ижодий ва илмий меросга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш баркамол авлод тарбиясидаги муҳим вазифа. Адабиётшунос олим Бахтиёр Назаров бу ҳақида сўз юритар экан, "Улуғ салтанат" эпопеяси биринчи галда ёшлар маънавиятини бойитишга, уларнинг қал-

бида ватанпарварлик, жасорат, ҳалоллик каби туйғуларни юксалишига хизмат қиладиган салмоқли тарихий асар эканлигини таъкидлади. Унда Соҳибқирон Амир Темури ҳамда Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шохрух Мирзолар билан ёндош йиғирмадан ортиқ етакчи қаҳрамонлар, юздан зиёд

рини янгида ўрганишимиз лозим", дея таъкидлаб, ижод аҳли олдида катта вазифалар қўйган эди. Шу маънода айтиш мумкинки, Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" роман-тетралогиясининг яратилиши катта ва эзгу иш сари қўйилган залворли қадам бўлди. Ушбу асар ўзбек адабиёти тарихидаги биринчи тетралогия сифатида ҳам биз учун қимматлидир.

Тадбир давомида Амир Темури халқаро хайрия жағғармаси раҳбари ўринбосари, ёзувчи Тўлқин Хайит, тарих фанлари номзода, темуршунос олим Омонулло Бўриев, адабиётшунос олимлар Насимхон Раҳмонов, Исролжон Ёқубов ҳам "Улуғ салтанат" эпопеяси хусусида фикрларини билдирди. Адабий муҳокамалар чоғида йиғилганлар ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олишга, асарнинг яратилиш тарихига тааллуқли қизиқарли маълумотлар билан танишиш имконига эга бўлишди. Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов "Амир Темури монолоғи"ни ижро этиб, даврага ўзгача руҳ бағишлади.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

Тақдирот

персонажлару уч юзга яқин турли даражадаги эпизодик образлар қамраб олинган. Бу кўп сонли образлар бир ярим аср давомида ҳукмронлик қилган буюк Темурийлар давлатининг тараққиёт йўлини акс эттириб, асарни рамзий маънода буюк тарих солномага қиёслаш имконини беради.

— Мустақиллик шарофати билан Амир Темури шахси халқимизнинг бой тарихи, қудрати ва жасорати тимсолига айланди, — дейди тадбир иштирокчиси, ҳуқуқшунос олим, профессор Акмал Саидов. — Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йиллари бир гуруҳ ёзувчилар билан бўлиб ўтган учрашув чоғида "Амир Темури дав-

Элим десам

Элим десам, тилингам
Сайрон бўлгани бўлган,
Юртим десам, дилингам
Хандон бўлгани бўлган.

Чаманимнинг чироғи
Гулофтоби, кўлоғи,
Юрагимнинг бир жойи
Райҳон бўлгани бўлган.

Даламнинг, қирлашим,
Болашим, қирлашим,
Саркаш сойлар бирлашим
Уммон бўлгани бўлган.

Ҳавода тек тургайлар,
Чечакка тўш ургаилар,
Гулни кўрган тургайлар
Хушхон бўлгани бўлган.

Ортада қолди не говлар,
Сина-сина, синолар,
Шашгим кўриб аяовлар
Хайрон бўлгани бўлган.

Қадр топди-ку қадрим,
Ҳавога тўлиб бағрим,
Юртимнинг берган даярим
Даврон бўлгани бўлган.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири,
"Фидокорона хизматлари
учун" ордени соҳиби

ШОИРАГА БАҒИШЛАБ

Наманган педагогика коллежидан Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган "Зулфияхоним қизлари" адабий тадбири ўтказилди.

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, шоир Жамалидин Муслим, вилоят хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Умида Мамажонова, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси масъул ходими Насиба Фафорова, Ўзбекистон Бадиий Академияси вилоят бўлими раиси Насриддин Гафуровлар миллий маънавиятимизни юксалтириш, ўзбек адабиётининг бой меросини, жумладан Зулфия ижодини ўқиб-ўрганиш хусусида гапирдилар.

Ўзбек адабиётида Зулфияхоним ҳаёт ва муҳаббат куйчиси, матонат, вафо-садоқатнинг гўзал

тимсоли сифатида ўчмас из қолдирди. Унинг асарларини муҳлислар севиб ўқишади, дея таъкидланди адабий анжуманда.

Тадбирда ижодкорлардан шоир ва таржимон Эргаш Али, Руқия Фозиевалар Зулфияхонимга бағишланган шеърларини ўқидилар. Шу куни коллеж ўқувчиси, "Юрт келажаги" кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби Муштарий-беғим Сайфиддинованинг "Эртагинг фэйзи" номли шеърый китобининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Устозлар ёшларнинг келгусида Зулфияхонимга муносиб издош, гўзал ҳуқли ва теран билими билан она Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишларига умид билдирдилар.

Оқилхон ДАДАБОВ

Биз ҳар йили халқимиз, давлатимиз ҳаётидан алоҳида ўрин олган кутлур байрамлар қаторида мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асосини, эркин ва обод келажакимизнинг пойдеворини белгилаб берган Конституциямиз қабул қилинган кунни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаймиз. Зеро, мамлакатимизнинг шу кунгача эришган улкан марраларининг барчасини бутун дунё тан олаётганини кўриб, Асосий Қонунимиз белгилаб берган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри эканига ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Барча соҳалар каби истиқлол кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятларимизни тиклаш орқали халқимиз қалбига нур олиб кирди. Теран тарихий илдишларимизни, кўп асрлик маънавий қадриятларимизни, аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўзининг гоё ва нормаларига чуқур сингдирган Конституциямизда халқимизнинг иродаси, ижтимоий онги, маданий ҳаёти, орзу, интилишлари акс этган. Президентимиз таъкидлаганидек, «Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир».

Халқимизнинг барча миллат ва элатлар тиллари, урф-одатлари ва қадриятларини ҳурмат қилиш тамойилларини қонун даражасига кўтарган Конституциямиз жамиятимиз эришган ютуқларда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Қомусимизнинг 49-моддасида фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурлиги, маданий ёдгорликлар давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган.

Кўриниб турибдики, асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, бизгача етиб келган бой маданий меросни бугунги кун нуктаи назаридан ўрганиш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга бекум-куст етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

2007 йилда Ўзбекистон «Номаддий маданий меросни муҳофаза қилиш» бўйича ЮНЕСКО Конвенцияси ратификация қилди ва 2008 йилдан бошлаб ушбу Конвенциянинг ишторокчи давлатига айланди. Маданий меросимиз дурдоналари — «Бойсун маданий муҳити», «Шашмақом», «Катта ашула» ва «Наврўз» ЮНЕСКОнинг халқаро номаддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилди.

Миллий-маънавий ва маданий меросимизни сақлаб қолиш, ўрганиш, қайта тиклаш, тарғиб қилиш ва келажак авлодларга етказишда Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 7 октябрда тасдиқланган «2010 — 2020 йилларда номаддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва

улардан фойдаланиш Давлат дастури» ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, ҳар бир давлат Конституцияси ўз халқи менталитети, дунёқарашуу орзу-умидларига ҳамоханг равишда ишлаб чиқилади. Ўзбек халқи ўзининг бекиёс қадриятлари, асрий аъёнлари, гўзал урф-одатлари ва бетакрор халқ кўшиқларига эга. Зеро, миллий фольклор санъати халқимизнинг маънавий қиёфасини, унинг ҳаёт тарзини кўрсатиб берадиган, бир сўз билан айтганда, ўзлигини намоян этувчи муҳим санъат турла-

буйича ижодий фаолият олиб бормоқдалар. Фольклор ансамбллари учун махсус штат бирикчалари ажратилиб, уларни ривожлантириш учун давлат бюджетидан зарур маблағлар билан таъминланиб келинмоқда.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан Самарқанд вилоятининг «Чавки», Сирдарё вилоятининг «Сайхун йилгилари» фольклор-этнографик халқ жамоалари бадий раҳбарларининг «Шухрат» медаллари билан мукофотлангани ҳам истиқлол йилларида ўзбек фольклор санъатини ри-

ТУГАНМАС МЕҲР, МИЛЛИЙ ҒУРУР

ридан биридир. Мустақилликка эришганимиздан сўнг фольклор-этнографик ансамбллари фаолиятининг қайта тикланиши миллий маънавий ҳаётимиздаги жуда катта ва таҳсинга сазовор ижтимоий ҳодиса бўлди. Яъни халқимизнинг қадимий аъёнлари, халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналарини сақлашда, унга сайқал бериб, янада боийтишда ижодий лаборатория вазифасини ўтаб келмоқда.

Ўтган йиллар давомида Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги «Шалола» фольклор-этнографик халқ жамоаси Польша, Франция, Буюк Британия каби 20 га яқин хорижий давлатларда, Самарқанд вилоятининг Ўرғут туманидаги «Бешқарсақ» фольклор-этнографик халқ жамоаси Корея, Германия, Озарбайжон каби мамлакатларда ижодий сафарда бўлиб, ўзбек фольклор санъатини дунё бўйлаб тарғиб қилди.

Ҳозирги кунда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидagi Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида жами 64 та фольклор ансамбллари фаолият юритмоқда. Бу жамоаларнинг 52 тасига Маданият ва спорт ишлари вазирлиги хайъатининг қарорига асосан «Халқ хаваскорлик жамоаси», 2 тасига «Бола-лар намунали жамоаси» унвони берилган. Ушбу жамоаларда икки мингга яқин хаваскор ижрочилар санъатининг ўзлари севган йўналишлари

вожлантириш, бадий хаваскорлик жамоаларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, халқ ижоди аъёнларини кенг тарғиб этишга қаратилган бекиёс ғамхўрлик ва юксак эътиборнинг натижасидир. Айниқса «Наврўз» ҳамда Мустақиллик умумхалқ байрамларининг концерт дастурларида фольклор ансамбллари кўпчилик алоҳида эътибор қаратилиши аънавий фольклор тарихидан, хусусан, фольклор жамоаларининг ижодий фаолиятини қайта кўриб чиқиш, ўз ишларини янгидан бошлашларида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Худудларда фаолият кўрсатаётган фольклор-этнографик жамоалари ва қадимий мусиқа чолғулар ижросининг ана шундай муҳим тадбирларга киритилиб, мамлакатимизнинг катта сахнасида жой берилиши билан бошланган ишлар Республика халқ ижодиёти маркази томонидан изчил давом эттирилиб, гўзал шакллари, содда ва теран мазмуну билан бизгача етиб келган халқ оғзаки бадий ижодиётининг намуналарини ўрганиш, бадий хаваскорлик жамоалари фаолиятини кенг тарғиб этиш ва фольклор санъатини

ривожлантириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, фольклор ансамбллари фаолиятини ўрганиб, қайта шакллантириш, янгиларини ташкил этиш, бунинг учун йўлланма ва тавсиялар берадиган илмий рисоалар, методик қўлланмалар тайёрлаш, жамоаларнинг дастурларини худудларга хос маросим кўшиқлари ва қадимий рақслар билан бойитиш, мусиқа чолғуларига аҳамият қаратиш, сахна либосларини тайёрлашда дизайнерлар билан ҳамкорликда ишлаш ва ансамбллarga ёш истеъдодли ижрочиларни жалб этиш зарурлигини даврининг ўзи талаб этмоқда.

Фольклор санъати халқимизнинг турмуш тарзи, дунёқарашуу, руҳий-эстетик олами, ички кечинмалари юксак бадий ифода эттирилган қадрият бўлиши билан бирга аждодларимиздан қолган улкан мерос сифатида ўзининг мазмундорлиги, тарбиявийлиги ва умрбоқийлиги билан санъатнинг бошқа турларидан ажралиб туради. Унинг ижтимоий қиммати маънавий-маърифий, ғовий-тарбиявий ва эстетик аҳамияти билан белгиланади. У миллат қалбига эзгу ният ва улғу мақсадларга интилиш, она Ватанга муҳаббат ва эътиқод туйғуларини уйғотади. Бу борада Президентимиз ҳам фикр билдириб, шундай деб таъкидлаганлар: «Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, улғу аждодларимизнинг авлодларга ўтаётган маънавий меросининг туганмас меҳрида, миллий ғуруримиздадир».

Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги барча илм масканларида маданий меросимизнинг истиқлол давридаги долзарблиги, аҳамияти, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни ва ролини илмий жиҳатдан асослаб берувчи тадқиқотлар олиб борилса, айна муддао бўларди.

Айни пайтда Асосий Қонунимиз нормаларини янада тeрaнoқ муроҳада этиш, қўндалик ҳаётда мустақам қарор топтириш, ҳаёт моҳиятини ўзида муҷассам этган тарихий, маънавий ва маданий меросимизни асраб-авайлаш, шу орқали мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Азамат ХАЙДАРОВ,
Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



ОДАМИЙЛИК ТИМСОЛИ

Ўз умрини бағишлаган соҳадаги меҳнати эътироф этилганда, қадрланганда инсоннинг қалбини шукроналик туйғуларига қамраб олади. Бугун шундай туйғу ўзбек адабиётшунослари қалбига ҳам жўш урмоқда. Муҳтарам Юртбошимиз фанимизнинг заҳматкаш олими, академик Азизхон Қаюмовни юксак мукофот — «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлади. Бу юксак даражадаги эътироф атоқли олимга билдирилган самимий миннатдорлик, меҳр-муҳаббат белгисидир.



Ўзбек адабиётшунослиги фанининг шаклланиши ва қарийб бир аср давомидаги тараққиётига муносиб ҳисса қўшган устоз Азизхон Қаюмов яратган ўнлаб йирик асарлар, юзлаб илмий тадқиқотлар фанининг энг муҳим масалаларига бағишлангани билан қимматлидир. Айниқса, XVIII — XIX асрлар Кўкон адабий муҳити хусусиятларини тўла ва муҳкам ёритиб берган фундаментал тадқиқоти бугунги фанда ҳам муҳим илмий манбалардан бири сифатида қадрланади. Асарда даврнинг машҳур шоир ва адиблари қаторида номлари ёдга олинмаган қолган ижодкорлар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар берилган, қўлэзма ва тошбосма манбалар, адабий жанрлар, адабий аъёнлар ҳақида теран, муфассал фикр юритилган.

Сермахсул олимнинг илмий фаолияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Аслида бу ҳодиса, албатта, махсус илмий тадқиқот мавзуси бўлмоғи лозим. Хусусан, устознинг 2008 — 2010 йилларда «Muntos so'z» нашриётида чоп этилган «Асарлар» ўн жилдлиги бундай илмий тадқиқотга бирламчи манба бўла олади.

Отахон адабиётшунослиги илмий фаолиятининг салмоғи ёзган асарлари сони билан ўлчанмайди, албатта. У яратган тадқиқотлар теран билим ва тафаккур маҳсули сифатида юзага келган. Шу ўринда биргина мисолга мурожаат этсак. Маълумки, адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларнинг муҳим асосларидан бири — бадий асарлар юзасидан ёзилган илмий шарҳлардир. Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг адабиётшунослик ва тилшуносликка оид илмий асарларида шарҳларга кенг ўрин берган. Шоирнинг «Мажолис ун-нафоси» асари бунинг ёрқин далилидир.

Навоийдан аввал ўтган Шарқ адиблари асарларида, улғу шоир замондошлари ва ундан кейинги давр адабиётшунослигида ҳам шарҳлар катта ўрин ва аҳамиятга эга бўлган. Зеро, адабиётшунослик назарияси ва унинг тараққиётида шарҳлар доимо илмий манба, аниқ асос сифатида хизмат қилган. Шу нуктаи назардан ҳозирги давр навоийшунослигида шоир асарлари юзасидан амалга оширилган илмий-таҳлилий шарҳлар текстология

Эътироф

Азизхон домланинг юксак инсоний фазилатлари бисёр. Фитратлари бағрикенглик ва самимиятдан, беҳад меҳр-муҳаббатдан иборат. Ҳам суратан, ҳам сийратан камолот эгаси, гўзал юзли ва гўзал сўзли устоз табассум билан танбех беради, табассум билан вазифаларга топиради. Қоғозбозлик, ҳужжатбозлик, расмийликдан инсон қадрини баланд қўяди. Бу фазилатлари билан ўзининг юксак маданият ва салоҳият, марҳамат ва ҳиммат соҳиби эканини намоян этади.

Ҳазрат Алишер Навоий ушбу таърифни биттадан устоз сингари баланд ҳимматли инсонларни назарда тутгани шубҳасиз:

Не қўшмим, бўлса ҳимматдин қаноти,
Эмас паст ошёнга илғифоти...

Ўзи ижодини умр бўйи ўрганган буюк шоир таъбири билан айтганда «кўнгилларнинг севгани», «қалбларнинг маҳбуби» бўлган Азиз устозга юксак мукофот муборак бўлсин.

Дилором САЛОҲИЙ,
филология фанлари доктори,
Илхом САЙДОВ,
тарих фанлари доктори

ОИЛА ЖАМИЯТ ГАВҲАРИ

Азал-азалдан Шарқда оила муқаддас саналган. Оила кўрғонининг мустаҳкам бўлишига барча бирдек жон қуйдиран. Халқимиз орасида «Қўшнинг ҳам уяси бузилмасин», деган ибора бежиз ишлатилмайди. Шу тонда бир ривоят ёдга тушади:

Ҳеч муросага келолмаган эр-хотин ажрасиш учун етти ёшлар чамасидаги фарзандини етаклаб доғишманд хузурига боришибди. Доғишманд уларнинг мақсадини англаган, қўлларига гул кўчатини тутқизибди ва дебди:

— Бу гулни боғингизга экинг, агар гулчаласа, сизлар бир умр бирга бўласизлар, агар гулчаламаса, бирга яшашингиздан маъно йўқ.

Эр-хотин оддий гул қаламчасининг улар ўртасидаги муносабатларга қандай дахли борлигини тушунолмади ортга қайтишибди...

Инсон ҳаётида оиланинг ўрни бекиёс. Оила бағрига қайда бўлмайлик ҳаммаша шошибди, интиқиб қайтади. Зотан, оила Оллоҳ томонидан берилган энг буюк неъматдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб воғга етишишига бевоқифа таъсир кўрсатадиган тарбия ўқоғидир. Оила қуриш инсон ҳаётидаги энг масъулиятли иш эканлигини Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам муҳим деб ҳисоблаган. Клавихо буни қуйидагича изоҳлайди: «Темур атрофидаги кишиларни ўзи бош бўлиб уйлантириб қўяр ва уларнинг турмуши изга тушиб кетиши учун шaroит ҳозирлар эди. Ниҳоят, оила масалаларига бош қўйиш масъулиятини ҳис этиб, ўз ақлу фаросати, дидига ишонган ҳолда Амир Темур бу нозик ишга аралашарди».

Оиланинг муқаддаслиги ҳатто

Қомусимизда «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деб ёзиб қўйилган. Демак, Асосий Қонунда қафолатланганидек, оилаларнинг мустаҳкамлиги, соғлом болаларнинг воғга етиши учун барча шарт-шaroитлар яратилган. Биргина Асосий Қонунимиз ташкил топган кунни нишонлаш арафасида йилларга бериладиган номларнинг ўзиёқ оила муқаддаслиги ҳар нарсадан устун эканлигини кўрсатади. Аёллар йили, Оила йили, Соғлом авлод йили, Мустаҳкам оила йили, Обод турмуш йили, Соғлом бола йили номлари билан аталган йилларда Давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва улар доира-сида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Ҳеч эътибор берганмисиз, бирор кишини таърифлашаётганда «бу одам жуда оилапарвар» ёки «бу аёл оиласи учун жон фидо-да» деб гапиришадими. Айнан уш оилапарвар аёл ёки эркак ҳар қандай ишга, ўзи фаолият юритаётган жамоадоларига меҳрибон ва фидойи бўлади. Ахир оиласига, болаларига ғамхўр ва садоқатли инсон, дўстига, Ватанига ҳам садоқатли бўлади. Қаерда бўлмасин оиласига интилиб, шошиб қайтган одам Ватанини ҳам худди шундай соғинади. Демак оила билан Ватан тушунчаси бири-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Ривоятнинг давоми: Хуллас, эр-хотин уйга қайтиб келиб гул қаламчаларини боғининг бир чеккасига экишибди. Кунлар ўтибди. Бир кун хотин тонга яқин эрининг уйда йўқлигини билиб қолибди. Шусиз ҳам эрига

ишончини йўқотган аёл юраги сиқилиб ҳовлига чиқибди. Ва не кўз билан кўрсаки...

— Менинг ота-онам бахтли турмуш кечирибган, уйимизда жанжал бўлганини ёки биз болаларни бирор қаттиқроқ уришганини эслолмайдими, — дейди фарғоналик Малика опа Зокирова. — Отам ҳам, онам ҳам доимо бир-бирларининг кўнглига қарашар, бир-бирисиз ҳатто дастурхон бошига ўтиришмасди. Турмушга чиқсам, албатта мен ҳам ота-онам бунёд қилган оилани ҳеч ота-онам кураман, дея орзу қилардим. Оила курғач эса

... Бахтнинг осмондан тушмаслигини, унга одам йиллар давомида эришини англаб етдим. Бир кун онамга: «Уйда овқат қилишга пивё йўқ, кўвингизнинг иши ҳеч юришмайди. Шу қилганига бугун овқат пиширмайман, дедим. Шунда онам: «Шу ҳам муаммоми, мен отанга ҳеч қачон у йўқ, бу йўқ деганман. Йиллар давомида мен ҳам бир неча марта пивёсиз овқат қилишимга тўғри келган, буни мен муаммо қилиб ҳеч кимга айтмаганман. Одам бахтли оила қуриши учун пивёсиз овқатга ҳам кўнглишга тўғри келади», деганди. Мана шу гапларга ҳам неча йиллар бўлди. Онамнинг айтганларидан хулоса чиқариб кам бўлмадим. Мустаҳкам ва бахтли оиланинг бекаси бўлдим. Баъзида оиламга ҳавас қилаётганларни кўриб «бахт осмондан тушмайди», дегим келади. Ва йиллар давомида англаганим шу бўлдики, биз ота-оналар шундай оила эгалари бўлайликки, фарзандларимиз бизга ҳавас қилиб бахтли ва мустаҳкам оила қуришга интилишсин.

Дарҳақиқат, оила қуриш масаласи ҳар бир инсон ҳаётида улкан ҳодисадир. Оила қуриш ҳар кимнинг шахсий иши, аммо ижтимоий аҳамиятга эга. Соғлом оила вужудга келиши учун энг аввало, жамиятимиз, давлатимиз қайғурмоқда. Масалан тиббиёт соҳасини олиб қарайлик. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилот томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид Миллий модели тараққиёт этган мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилган, юртимиз БМТ Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараённинг



фаол иштирокчиси эканининг ўзиёқ бу соҳага катта эътибор қаратилаётганидан дарак беради. Шу боис, 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар тугилиши 1,8 баробардан зиёд қамайди. Тиббиётда кўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сони икки баробардан зиёд қисқарди. Шу билан бирга минтақамизга хос бўлган касаллик — камқонлик даражаси хотин-қизларда 2,5 марта пасайди. Жорий йилнинг 1 августига Президентимизнинг «2014—2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза

қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ёш оилаларнинг шарт-шaroити шаҳарниқидан сира қолиш-майдиган имтиёзли кредит орқали уй-жойлар билан таъминланаётгани ҳам ана шундай эзгу ишларнинг узвий давомидир. Ошхона, ювиниш хоналари ичкарида, ётқонхона, болалар хонаси, дам олиш хоналари алоҳида-алоҳида бўлган уй-жойларнинг биринчи ўринда ёшларга берилиши оила мустаҳкамлигига ҳисса қўшмайди? Биргина ўтган «Обод турмуш йили»да 147 туманда 10 мингта намунавий уй-жой қурилибди. Ана шундай намунавий уй-жойларга қўчиб ўтган юртдошларингиз билан учрашиб қолсангиз барчаси бир гапни такрорлашди: «Ҳавас қиладиган оилам, турмуш ўртоғим, шириндан-шакар фарзандларим билан мана шундай кўркем уйларда яшаётганимга шукр қиламан». Дарвоқе оиладаги низоларнинг аксарияти ёки аҳолининг сабаблари шaroит ва моддий жиҳатга ҳам боғлиқ. Шу ўринда мана Юртбошимизнинг Конституциямиз муносабати билан айтган гаплари ёдга тушади: «Қачон оила бахтли бўлади? Қачонки аёл бахтли бўлса. Қачон аёл бахтли бўлади? Авваломбор унинг болалари, оила аъзолари, турмуш ўртоғи соғ-омон бўлса, қачонки оиласи тинч, рўзғори фаровон бўлса, эртанги куниндан кўнгли тўқ бўлса...»

Ривоятнинг давоми: Аёл не кўз билан кўрсаки... эри гулга сув қуйиб юрганмиш. Эрининг хуляим уни севишига ишонган аёлнинг кўнгли тоғдек кўтарилибди. Кунлар ўтибди, гул қаламчаси гулча ёзмабди. Бир кун эр ишдан келиб хотини гулга сув қуйиб юрганини кўрибди. Эракнинг аёлига меҳри товла-

нибди, хотинининг оиласига ғамхўрлигини англабди. Шу кундан бошлаб эр хотинига меҳр-муҳаббат кўрсата бошлабди...

Оиланинг мустаҳкам бўлиши учун муроса энг яхши йўл дейишарди. Ҳар икки томоннинг муросага келиши келишмовчиликларни бартараф этади. Масалан, маҳаллалар ва никоҳни қайд этиш бўлимлари қошида ташкил этилган «Ота-оналар университетлари», «Оила мактаби», «Ораста қизлар» тўғаракнинг томонидан ёш келин-кувёлларнинг, ота-оналарнинг, йигит-қизларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини ошириш орқали оилани мустаҳкамлаш ва турмушга тайёрлаш йўналишидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Айниқса ёшлар тарбияси, эрта никоҳ ва оилавий низоларнинг олдини олиш, оилаларнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ҳеч бир юртда учрамайдиган тизим — маҳаллаларнинг ўрни бекиёс. Ахир «Маҳалла ҳам отанг, ҳам онам», деган гап бежиз айтилмайди. Оилапарварлиқни шакллантирадиган энг катта мактаб эса бизнинг, ҳар биримизнинг оиламиздир. «Отангнинг қўлига сув қуй», «Катталардан олдин гап бошлама, таомга қўл узатма», «Қўлинг кўксингда ёши улғуларга салом бер», каби оила даво-расида уқтириладиган панд-насихатлар оилалар бардавомлигини таъминлайди.

Ривоятнинг давоми: Бир кун эр-хотин тонг олдида ўғилча-сининг ўрнида йўқлигидан хавотир олиб ташқарига чиқишибди. Хотин яланг бош, эр яланг гоёқ... Не кўз билдан кўришсаки, ўғли жажжи челақчасида гулларга сув қуйиб юрганмиш.

Қомусимизда алоҳида эътироф этилган яна бир банд бор: «Ота-оналар ўз фарзандларини воғга етгуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар...» Оила бузилди, дегани танҳо эр-хотин икки томонга кетди, шу билан барчасига барҳам бери-

лади, унутлади, дегани эмас. Оилавий қўйди-чиқилар шажаси ишдек туюлсада аслида жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Оила пароканда бўлса, аввало ўртадаги фарзандлар азият чекади, нафақат эр-хотин, балки болаларнинг ҳам ҳаёти издан чиқади. Худди шундай оилалари инқирозга учраган мамлакат ҳам изчил тараққиётга эриша олмайди. Шу боисдан ҳам бизнинг юртимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бирига айланган.

Доғишманд берган гул кўчати нима бўлганига қизиқаётган-дирсиз. Орадан кунлар ўтибди. Бу орада эр хотинни, хотин эрини яхшироқ тушуна бошлабди. Гул қаламчасининг кўкаришига иккаласи ҳам бефарқ эмаслигини англашибди. Кунлардан бир кун эрта тонгда гулларга сув қуйиб юрган болакай чапак чалиб сакрабди.

— Ойижон, дадажон, гулимиз очилибди! Шу ўринда мен эр-хотинга бахт гулини тутган доғишманд чолчи бахтли оила қуриш учун шарт-шaroитни қўлимизга гул каби тутатган давлатимизга менгашган келади. Иккови икки хил нарсга бўлсада, моҳияти бир хил. Гул кўчатининг барг ёзишини, унинг гулчалашини қуттиш орқали бир оила сақлаб қолинган бўлса, яратилаётган шарт-шaroитлар ҳам худди шундай бир кун ўз меvasини бериши, жисмонан ва маънан соғлом фарзандлар воғга етадиган оилалар қўнайишдан даракдир. Шу боис фарзандларимиз қалбига меҳр-парвар зотлар берган гулни экишимиз лозим. Токи, улар оиланинг нақадар муқаддас эканлигини англайсинлар, токи улар менинг оилам, менинг фарзандларим, деб қаерда бўлса ҳам Ватан ичра азиз Ватан бўлиши оиласи бағрига шошсин. Оиласини яхши кўрган одам қай юртда бўлмасин ўз хонадонига, демакки ўз Ватанига шошди.

Зеро, доғишмандларимиздан бири айтганидек: «Оила жамиятнинг дуру гавҳари, у инсон ҳаётига тўқислик бағишлайди, зеро ўз уйда бахтли бўлган кишигина чинакам бахтлидир.»

Барно СУЛТОНОВА

Қадриятларимизга юксак эътибор қаратилаётган мустақиллик йилларида улуг шоирларимизга кўрсатилаётган эъозу эҳтиром кўнгилларни сурур ва мамнулик туйғулари билан тўлдирди. Чунинчи, Юртбошимизнинг Термиз шаҳрига Амир Темури орденини топиширишга бағишланган маросимдаги нутқда бу муқаддас заминда вояга етган улуг алломага қатори Адиб Собир Термизий номи ҳам тилга олинган қарийб ўн аср бурун яшаб ўтган мутафаккир бобоқалонимиз хотирасига билдирилган юксак эҳтиромдир: “Ҳақиқатан ҳам бу табаррук дийрдан етишиб чиққан буюк аллома Ҳасим Термизий, дунёдаги энг ишончли олтига ҳадиё тўпламларидан бирини яратган машҳур муҳаддис Абу Исо Термизий, теран мазмуни асарлари билан Шарқда ном қозongan Адиб Собир Термизий, ислом фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Абу Бакр Варроқ Термизий каби муқддос зотлар наинки халқимиз, балки бутун мусулмон олами-нинг фахру ифтихори ҳисобланади”.

Дарҳақиқат, ўзбек адабиёти бўстони улуг шоир, мутафаккир, алломаларга бой. Улар қаторида Адиб Собир Термизийнинг алоҳида ўрни бор. Мавлоно Жамий “Баҳористон” асарида бу муқддос шоиримизни таърифлаб, “Адиб Собир Термизий — ширинсухан шоир, доно олим бўлган. Унинг шеърларида латофат ва малоҳат камолга етган. Фозил шоирлар унинг санъатига қўйил қолганлар”, дея лутф этган.

Қадим ва навқирон Термиз шаҳрида таваллуд топан (1140—1141 йиллар) аллома катта адабий мерос қолдирган. Мутахассислар ҳозиргача Адиб Собирнинг аниқланган шеърӣ асарлари 6650 байтга яқинлигини таъкидлашади. Бешта лирик жанр — қасида, ғазал, таркиббанд, қитъа ва рубоийлардан таркиб топан девонининг бешта қўлзма нухсаси маълум.

Мумтоз адабий меросимизнинг дурдоналари қаторида Адиб Собир Термизий ижоди намуналари ҳам истиқлол даврида ўзининг муносиб қадр-қимматини топаётди. Таркиблики васф этган, ҳаётдан завқланишга даъват қилган шоир ишқ-муҳаббат таърифи, тавсифида ҳам беқиёс. Инсон учун энг қимматли неъмат — ҳаётга меҳр-муҳаббатни шоир ўлмас эзгу туйғу сифатида талқин этади:

Тирликдайд эмас ҳеч қайси неъмат,
Тирлик ҳар зот уни хуррам кечиргай.

Адиб Собир Термизий ижодида берилмаётган ушбу ғўзал намуналар кўнгилларга ҳаёт завқини, ақллarga эзгулик ҳақматини тўхфа этиши тайин.

Ўзбек мумтоз шеърятини

Кўнгли поклар сўзи яхши жананлар,
У қарвон кўнироғидек аёнлар.

Илм шарафича шараф бўлмас, эй ўртоқ,
Илм раҳбарлигидан кўра ҳилм ортиқроқ.
Гарчи йўқдан кўра, диллар бор яхши,
Йўқ бўлгани яхши илмдан кимки йироқ.

Бўлур уч нарса уфат ҳам қадрлон,
Эрур уч нарса оқилларга маъқул,
Бирин майдур, бири — илмининг китоби,
Учинчи — аҳди суҳбат, яхши ёрон.

Эй, қундузининг айламини макон тун ичра,
Зулфинг дағи тунга соябон тун ичра,
Ҳал этмаса қундузинг туним мушқулени,
Сендин чекайини нола-фиғон тун ичра.

Нарғиз қўзинг ул қадар забун этди мени,
Қўнлим бонидин қувди, юпун этди мени,
Ҳам мисли бинафша сарингун этди мени,
Гул чехрасидек тамоми хун этди мени.

Кўнлим тилаб ул лаъли шакарбор, кетди,
Боз истади, дил қуввати такрор кетди.
Умрим бўйи ҳосил этганим илму хирад
Лаълингини тилаб ҳаммаси бир бор кетди.

Хуршиди, жило бериб шафакнинг ўтига,
Ўкут асади, лабид лабинг барқутига.
Ҳар кимки лабинга етди, ўкут тиламас,
Ўкут дағи қул эмиш лабинг ўкутига.

ҳам айтарли узоқ суҳбат бўлмаслиги-
га ақлим етди.
— Ҳа, юрибсанми, тузукмисан?
— Шукр.
— Болаларнинг ҳам қатта бўлиб қолишадими?
— Катта бўлиб қолишди.
— Тузук... ишқилиб, тўйларга етказсин.
Шу, холос.

Бир куни жуда қадимий узук ривоятдан хабар топдим.
Сулаймон подшоҳнинг бир ҳикматли узуги бўлган экан. У узукни тақса, шамолу кўрт-қушлар бўйсунар, ер ости-юр усти ҳазиналари очилар экан.
Ёш бўлганимда ҳавасланиб ўшанақ узукни орзу қилган бўлардим. Аммо, ёшлик ўтди. Энди ҳар нарсадан маъни излайдиган палладаман-ку?

Ақлим турли тасодифий воқеаларни бир-бирига улаб, бир мантэк нуқтасига етаклаб кетди.

Сулаймон подшоҳдан аввал ҳам узук ҳада қилиш одати бўлганмикан?

Ҳазрати Сулаймоннинг узуги-ку унутилаётган бир ривоятнинг ажойиботларидан дарак бермоқда. Унинг ҳикмати жуда ҳайбатли экани аён, бироқ, мен кўрган билган узуклар шу ёшимда, тўсатдан тилга кирганига нима дейсиз?

Улар ота-онам тилидан гапира бошладилар.

“Бизлар, яъни отанг-онанг, Худойимнинг даргоҳларидан шу дунёга келиб униб-ўстан икки жон, сени қошимизнинг остида, қарогимизнинг устида асраб-авайлаб катта қилдик.

Сен гуржиклар ўсдинг, болажон. Очлик-муҳтожлик кўрманиг дая ўтга кириб суварл кечдик, кечаларда шамол изиллаган тунлардаю саратоннинг жазирамаларида жонимизни жабборга бериб уриндик.

Энди улғайдинг, сен ҳам катта бир захмат ичига кириб бормоқдасан.

Тўйлар қилдик, уйлантирдик... ҳали ҳаёт олдинда!

Бизнинг сенга берар топган-тутганимиз шу.

Сенга шамоллар, қурту-қушлар бўйсунсин, қаршигда дунёнинг сарватлари очилсин деб ният қилмадик-у лекин мабодо бирор қор-қол рўй бериб қолса, шу нарса оғир кунингга ярасин, дедик.

Бу узук бизга ота-онамиздан мерос қолган эди.

Оғир кунимизга ишлатмадик, сизларни меҳнатимиз билан вояга етказдик.

Аммо ҳар доим шу узук — ҳар қанча қадри, азиз бўлса-да, бир кун келиб мабодо қўнлиб қолсанг қорингга яраб қолар дея асраб-авайлаб сақлаб келдик.

Олақол, болажон. Ҳаёт йўлинг узун бўлсин.

Узун бўлсин у аммо мушкул бўлмасин. Буни ҳаёт деб қўйибдилар, бир кун

Дилноз ТЎХТАЕВА

МАНЪУ ЧАМАННИМ

ВАТАН

Таърифининг келтирмоқ учун
Сўз уммони аро ҳўп суздим.
Ҳақиқатини англадим бутун
Ва улардан мисралар тиздим.

Ватан — ҳовлим, уйим, остонам
Ва жисминни яратган туяроқ.
Гул лабида титраган шабнам,
Водийларга жон берган булоқ.

Ватан, ана, ҳув узун йўллар,
Ўз уйимдай бўлган ишхонам.
Бир-бирини сўвчин қўллар,
Қанот бўлган жафокан онам.

Бошимдан зар сочди офтоб
Бир тулингман мангу чаманам.
Мен ёзажак дилдаги китоб —
Бахтим сенсан — озоД Ватаним!

ҚАЛБ ДАФТАРИ

Бўм-бўш эди, оппоқ ва тиник,
Гард юкмаган, бирим покиза.
Бир четидан тортилар чизик,
Сўнг ёзмақча очди саҳифа.

Турфа ранглар, бўёқлар теғди,
Умр бўйи бўлар эсдалик.
Қорлар ёғди, шамоллар елди,
Олисларда қолди болалик.

Эҳ, биродар, қолма армонда,
Ўтирганча сураверма ўй.
Умринг кетар ана қарвонда,
Дилда борин энди ёзиб қўй.

ҲАВАС

Ҳавасим келади қулсалар хандон
Қошу қўзларига ўйнар табассум.
Кўнглида йўқ гўё хижолик, гумон
Олам ёришгандай туялар бир зум.

Дилноз ТЎХТАЕВА 1981 йил Навоий вилоятида туғилган. Навоий давлат кончилиқ институтини ҳузуридаги ихтисослашган техника коллежини тамомлаган. “Тоғлар сабоси” номи илк шеърӣ тўплами чоп этилган.



Шунигиндек, сулолалар аро асралиб келинаётган ўша тақинчоқларни болаларим тақиб юришларини ҳам хоҳлайман.

Яна, у узуклар авлодларга сираям “Бир мушқулнинг ярасин” деб эмас, бор-йўғи ота-онадан хотира бўлиб қолишини истаймман. Авлодлар болаларига “Улуғларимиздан ёдгор, шуни авайлаб ю, шояд бир куни шамолларни-ю табият ҳодисаларини, еру кўкларни бўйсундирсанг ажабмас... Аммо сираям оғир кунингга ишлатма! Бошингга ундай кун келмасин!” дейишларини истаймман.

Найлайин, умр ўтиб бормоқда. Мен ҳам, аёлим ҳам ҳаёт шамолида кеч кузнинг мезонлари каби, узокдаги олтин даракторлар сари учиб бормоқдамиз.

Ичидан бир шукрона ҳам келадик, нимагадир мен яхши кўрадиган ўша кеч кузнинг захматли совуқларини болаларим билишмайдик.

Совуқда музлаб-қўқариб кетган қўлчаларини, оёқчаларини дилдирай-дилдирай сандалга тикиб, музлаган оёқчаларига иссиқ ўтганида сезиладиган ачиштирувчи ғалати оғриқдан ҳам беҳабар улар.

Ҳар қандай хизматларини оғринмай

Исажон СУЛТОН 1967 йилда туғилган. ЎзМУнинг журналистика факултетини тамомлаган. “Муножот”, “Озод”, “Боқий дарбадар” каби қисса ва романлари чоп этилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Адиб Собир ТЕРМИЗИЙ

ЯХШИЛИК ҚИЛГАН ОМОНДИР

ҲАЗАЛЛАР

Қочди ул тун қўздан уйку, кетди тоб,
Уйку ошқиларини қилгуси хароб.
Келмаса уйку қўзимга, бу — раво,
Уйку ўрнин сув босибдур беҳисоб.
Ёрими ширин шакардин-ку, лаби,
У юборгай мен учун аччиқ жаов.
Лаълида болу шакар, ширину қанд,
Халқа-халқа сочиди бор неча тоб.
Ойда нур бўлмас унинг дийдорисиз,
Бўлмаса лаъли, ширин бўлмас шароб.
Юзидан олди ниқобини шамол,
Хуснига боқди фалакда офтоб.

Сўзингдан жонда бор жон завқи, эй ёр,
Лаби оғзининг унда лаззати бор.
Деса кимки, шакарга тўлсин оғзим,
Сенинг номингга этсин тилда такрор.
Тўшунмайсанми? Ошққ ўлдурусан,
Ўзаллик мансаби вақтинча, дилдор.
Бу ишқининг қўзимнинг чамасида,
Неча минг кону ҳам дарёлари бор.

Сочингдай беқарорман, боиси — сен,
Кўзингдай бадхуморман, боиси — сен.
Замонамдек эрурсан аҳди ёлгон,
Замона хору зорман, боиси — сен.
Юзинг васфи ҳисобсиз, ҳасратида
Ҳисобсиз ғамга ёрман, боиси — сен,
Тўйибдур қўзларини ёшига қўқсим,
Кўрага бир хуморман, боиси — сен.
Хабарсизликда мен ҳаттоки сендан
Хабарсиз бемадорман, боиси — сен.

“Хикоя ёзиш осонми, қийинми?”
Тўғрисики айтсам, ҳалигача шу саволга жўялироқ жаов бера олмаيمان.
Мана, бир неча кундирик, тўғилган кунда қизимга совға қилганим узук кўнглимдан кетмади.

Ингичка, нозик, қўқиб-яшил тошчаги зийнат уни қувонтирди, соф нигоҳида севинч порлаб кетди, олдинда бир неча тортинса ҳам, барибаран бир неча марта айлантириб қараб-қараб қўйди.

Ўзим ҳам қувондим, кўчаларидаги севинч қалбимга қўчиб ўтди. “Яхши кунларингда тақиб юр” дедим унга. Кейин, бир маҳаллар онамдан эшитганим ҳазрати Сулаймон узуги ҳақидаги ривоятни айтиб бердим.

“Лекин бу унақаси эмас, оддийгина. Отангнинг қўлидан келгани шу холос, — дедим қўлиб, — Аммо Сулаймон узугичалик маънолари бор. У маъноларни вақти келганда билиб олсанлар”.

Шундай десам-да, ўзимнинг ривоятим хаёлимни бошқа ёқларга етаклаб кетди.

Отанг нихоятда беозор, умрини болаларига фидо қилиб юборган киши эди.

Бизлар тўққиз бола, онам уйда, фақат отам ишларди, холос. Ётчимовчилик бошимизда қилич каби осилиб турар, саҳарлаб туриб, кеч кузнинг совуқ булдуруқлари йилтирлаган дала-ларда турли ўшуларни бажаришга мажбур эдик. Яланг оёққа қилиш қийиб олар, оёқчаларимиз совқотарди. Ерларни қирво босган, макка пояларни қўлга муздай тегади. То сийрак туман аро терақлар орасидан улкан қизил қуёш қўтарила бошлагунча қадар уриниб-беринар, кейин шоша-пиша боғ ичиб, ярымта нонни олиб мактабга жўнардик.

Қишда муз қотган ерларни ўярдик. Ўйиб бўлиб, ҳосил бўлган чўқурни ғўзапўчок ташиб тўлдиригач, пақирда ариқдан сув ташиб, тизза бўйи келадиган сувга ташиб олган отам ғўзапўчокни сув билан қориштириб бир томонга уяверар, ниҳоят, захматли иш тугагач, устига ғўн аралаш туяроқ тортилиб, эски-туски кўрпалар ёпилаганда дилдирай уйга кирардик. Печкага ўт ёқилгач уй аста-секин илди, ўша илқилик баданга ўтиб элтиганди оқватга ҳам қарамай ухлаб қолганларимиз эсимда. Тўққиз бола, тўққиз ўғил-қиз... Эрта-лаб турганимизда отам аллақачон уй-онган, печкада ўт гуриллаб ёнаётган, устига кечгаги нонларни қўйиб, илтиб ўтирган бўлар, уйни исиган ноннинг ёқилиш иси тутарди.

Кўз етмас узок-узокларгача ястаниб кетган бошқа қишлоқлардаги одамлар ҳам шунга ўхшаган ишлар билан машғул эди.

Нимасини айтий, хотирамда жуда қўп шунга ўхшаш манзаралар сақланиб қолган. Улар тинчлик бермайдик, жонланди, бошқа маънолар касб эта-эта, онг тубларидан худди ўша — ус-тида ғўзапўчок қалқиган қорамтир муздай сув каби юракни музлатиб, этни жунжиктириб сизиб чиқаверади. Ғалати бир ҳаёт кўз ўнгимда гавдаланади.

Сенга қўнлим мудом вафо айлар,
Менга қўнглим мудом жафо айлар.
На писанд ўлғай унга ошқиллик,
На бир ўз аҳдига вафо айлар.
Йўллабон ишқ балосини бизга,
Аро йўлда қўйиб, жуло айлар.
Авалло васл учун бериб фармон,
Ҳажрига сўнгга мубтало айлар.
На ўқир ишқ ҳужжатини бутун,
На бу жон ҳождатин раво айлар.
Қадлими халқа-халқа зулфисиз,
Халқа сочи каби дуто айлар.

Тўлган ой монанд юзидан сочи нур,
Ойга тун янглиғ сочи оро берур.
Сарв қоматдурки, қадлин олдида —
Богбонлар сарви беҳушон эрур.
Токи бошимда ул ой савдоси бор,
Худди ой ботган каби йўқ менда нур.
Юрганида сарву ўтирганда ой,
Фитналар ул сарву ойдан тарқалур.
Севди дил ҳамма ғўзаллардан уни,
Севдим, дил бердим тойдим ҳузур.

ҚИТЪА ВА РУБОИЙЛАР

Ёмон андишалардан дилим пок эт,
Ёмонлик қилмагач қим нуктадондир.
Ёмон ниғатли бўлма эҳ ҳақида,
Ўзингга бу ишинг сўзсиз зиёндир.
Кишкни яхшилик ҳар кимга қилса,
Бу майдон ичра у соҳибқирондир.
Ақллар иши эрмас ёмонлик,
Ҳазар қил, яхшилик қилган омондир.
Агар иншоона қилсанг яхшиликни,
Бу иш мардоналикдан бир нишондир.

Юмушлар кўпайгани маҳал болалар мактабга бормай қўйишарди. Юмушлар сира тугамасди-да. Поёнсиз далаларнинг эгatlари орасида ўтириб, беҳи ердик. Кеч қўзда мезонлар учар, гоҳ оқиб туманлар тушар, нам ерга ўтириб, олов ёқардик. Чигитни ўтга ташласак, чирсиллаб отилар, еб кўрсак, анчайин шўр таъми бўларди. Муаллимларимиз ҳам ўзимиз қатори, этик қийиб далани айланиб юришарди.

Эл тиркичилик дея тинмай уринардик-да. Юмушдан ортар-ортмас, сиз-гир-молни далага ҳайдар, куз мезонлари учган, халқ “жола” деб атайдиган ҳайхотдай шудгорларда тўп-тўп бўлиб мол боқар эдик.

Мен шом тушмасдан уйга қайтишим, кўрадаги бултурги қуруқ ўтинларни олиб келиб ўчоққа ўт ёқишим керак эди. Мен ўт ёққач, онаизорим овқат пиширарди.

Ўшандай маҳалларда тўйлар бўлиб қолса, суяниб чопардик.

Нимагадир эсимда кеч куз тўйлари қолган. Совуқ, гапирсангиз оғзингиздан ҳовур бурқираб чиқади. Келин-куёв совқотмасин дея, оёқлари остига тоғорада чўғ қўяр эдилар.

Шу аснода куёв келиннинг бармоғига узук ҳам тақиши керак эди.

Узук тақилганида ҳамма қий-кириб юборарди.

Йўқса, аллақачон никоҳ ўқилди, элга маълум қилинди, халқ келиб даврани тўлдириб ўтирибди, этакроқдаги тозааланган экин ерларига ер қовлаб қурилган катта ўчоқда шўрва қайнаб, ош пишмоқда... узук тақилганида унис куёв, буниси келин бўлқолармиди? Ким билсин, одамларга шуниси маълумроқмиди?

Узук тақилганини илк кўрганимда, уйга келиб ота-онамнинг бармоғига узуги бор-йўқлигига қизикқанман, йўқлигини қўриб, сабабини сўраганман ҳам.

— Бизнинг вақтимизда бунақа урф йўқ эди, — деди онам. — Аравда келин бўлиб келаверардик. Катта давралар ҳам бўлмасди. Совуқларда ўртага катта ўт қаланарди, эски-туски латталарни думалоқлаб симга бойлаб, мойга ботириб валишларга осиб тўпчирик ёқиларди. Сенинг айтганларинг янги замоннинг урфлари, болам.

Мен келин бўлиб тушганимда ўн олти яшар эдим. Энанг ўзининг узугини менга берган эди. Аммо тақмаганман, авайлаб яшириб қўйганман”.

Мана шундай шароитда аста-секин ўсиб, вояга етиб борар эдик, бизлар — бир қишлоқнинг майда-чўйда бо-лалариди.

Айтдим-ку, меҳнат орасида катта бўлганман. Шу боис, бармоқлари қа-вариб-қавариб ёрилган, юзлари қорайган, сочлари тилпа-тих, ғоятда софдил қишлоқ болалари кўнглимга жуда яқин. Ҳаляам турли қишлоқларга йўлим туша, ўшанақ болалар билан гаплашгим келарди.

Вақти етиб, уйландим. Мен ҳам куёв бўлиб келин қўлига узук тақдим. Од-

дийгина, ингичка, лекин қимматбаҳо эди. Хотиним уни бармоғига тақиб, хурсанд бўлиб қараганим эсимда. Кейинчалик ҳам авайлаб сақлаб юрганини биламан.

Тўйдан бир-икки кун кейин онам келинини сўйиб-алқаб, сандигидан ўз узугини олиб берибди. Уни қучиб, ўйиб “Бу — келинлик узугим, раҳматли қайнонам совға қилган эди, энди сиз катта келинимсиз, олинг, яхши кунларингизда тақиб юринг, сизга насиб қилган экан”, дебди. Хотиним менга кўрсатгани ҳам эсимда. Эски замонларнинг тилласидан қўйилган, хозирги нозик узукларга ўхшамайдиган тақинчоқ.

Онаизоримнинг бу меҳрибонлигидан ўзимча суюндим, чой дамлаб бериб, оёқларини уқалаб ўтириб, сўрадим:

— Отанг-чи, узук совға қилмаганимди?

— Отанг ҳам совға қилган, аммо тўйдан анча кейин, сен дунёга келга-

Исажон СУЛТОН

УЗУК

нингда, — деди онам.

— Таққанингизни сира кўрмаганман-ку?

— Тақармидим? Ҳаммасини сандиққа солиб яшириб қўяверганман.

— Нимага?

— Оғир кунларимизда ишлатармиз деганман-да.

Шундай дегани билан, оғир кунларда ҳам ишлатмаганини биламан-ку? Тавба, узук десам, кўз олдимга ўша қишлоқ-қировли кунлар келаверганига нима дей?

— Отанг у узукни қанча захматлар, не-не меҳнатлар эвазига, узок шахарга бориб сарсон бўлиб олиб келган. Ўшанда роса суюнганман. Шунча қийматни ўзида жамлаган у узукни сотиб, кунимга ишлатармидим? Ўлсам ҳам ишлатмасам, — деди онам.

Болалар улғайгани сайин ташвишлар ортар, шавқлар озаер, мен эса захматларга қўмилиб кетган эдим. Терақларнинг барглари қирмизи қизарди. Тавба, нима учун кеч кузни яхши кўрар эканман? Дарахтлару ўтлар турли ранглар олади. Сарикдан яшилгача, яшилдан қирмизигача ҳамма ранглар кўз-қўзланади. Ҳар нарса фарқ пишган, ҳар дарахт “мана, яшаб шуни қилдим” дегандай умрининг ҳосилини кўз-қўзлаб туради. Яна мезонлар учди, ер бағирлаб сийрак туманлар сузади. Яна тўйлар мавсуми бошланади. Кишлар шод-хуррам, катта ўтлар гуриллаб ёнади. Тун қийиб, тўп-тўп турган кишиларни кўргим келарди. Мен билганларнинг кўпи ҳозир у орада йўқ, ўшаларни қўриб-гаплашсам дейман. Аммо, гаплашсам

Илк танишув



Ҳавасим келади қулсалар хандон,
Ғуборлар тарқалар тумандай гўё.
Қулсанг, қулар экан толе бегумон,
Кенга бепойу, торга тор дунё.

Ҳавасим келади бу соф туйғуга,
Чин қалб

Мустақил Ватанимизнинг Бош Қонуни — Конституциямиз қабул қилинганининг йигирма икки йиллигини нишонлашга чоғланаётган эканмиз, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдек олий мақсадимизни амалга оширишда бизга ҳуқуқий асос бўладиган барча кафолатлар бу мўтабар ҳужжатда мустақамлаб қўйилганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жаҳон афкор оммаси томонидан эътироф этилган умуминсоний тамойиллар билан бирга миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни ўзида мужассам этгани тўғрисида ҳам бағоят қимматли ва қадрлидир.

Аждодларимизнинг адолатли тартиб-қоидаларга, қонунларга муносабати, бой маънавий меросимизда зикр этилган юксак инсонларварлик ғоялари Қомусимизда ўз аксини толган. Миллий давлатчилигимиз тарихи ва қадриятларимизга оид ўлмас асарлардаги адолат, тенглик, инсоф, меҳр-оқибат, ватанпарварлик каби умрбоқий мавзуларнинг санъатҳорона тасвир ва талқинлари мустақил давлатимиз сиёсатининг теран ижтимоий, маъ-

«Бобурнома»ни синчиклаб мутолаа қилганда муаллифнинг нақадар бағрикенглиги, саховатпешалиги, фуқароларга меҳр-шафқат назари билан қараганига гувоҳ бўламиз. Самарқандни эгаллаган Бобур ёзади: «Самарқанд тахтига ўлтирган, Самарқанд бекларини бурундек ўқ риоят ва иноят қилдим. Бизнинг бида бўлган бекларни ҳам фароҳури ҳолларига яраша тарбият ва шафқат қилдим. Султон Аҳмад Танбалнинг борасида ри-

маслик энг юксак мақсадларни ҳам йўққа чиқариши мумкин, деган фикр мужассам: «Андижонга бўла Самарқандни илиқдин бердук. Андижон ҳам илиқдин чиқмиш эди. Бизга «гофил аз ин жо ронда ва аз он жо монда» дегандек бўлди. Бисёр шаққ ва душвор келди. Не учунки, то подшоҳ бўлб эрдим, бу навъ навкардин ва вилоттин айрилмайдур эрдим, то ўзумни билиб эрдим, бу йўсунлук ранж ва машаққатни билмайдур эрдим».

Бобур пора ва ришвага, таъмагирликка имкон туғилмайдиган жамиятда давлат қонунлари бузилади, инсоф, диёнатнинг барқарорлигига путур етади, деган фикрни баён этади. Ноҳақликлар «манга бисёр душвор келди, беихтиёр йиғладим», дея Бобур адолат ва инсоф асосига қўйилган давлат қонунларига муносиб ҳукмдор бўлишни мақсад қилади. Чунончи, Андижонга эга бўлиш ниятида «чун салтанат дағдағаси ва мулқгирлик дояси бор, бир қатла, икки қатла иш юрмаган бида кўмак тилай, Тошкентга хон қошига бордим», дейди. Бобурнинг бундай азму шижоати, ҳар қандай вазиятда мақсади сари матонат билан инти-

гойиси ва беки Али Дўст ва Қанбар Али Аҳмад Танбал томонига ўтиб, унга қарши иш тутадилар. Бобурнинг Аҳмад Танбал билан навбатдаги курашида бу шахслар сулҳни ўртага солиб сулҳ тенг даражада имкониятлар яратишини айтидилар. Бунда муҳолифлари Бобурнинг ёшлиги, атрофидагиларнинг тахрибаси камлигидан фойдаланиб, вақтдан ютиш учун сулҳ қондаларини бузадилар. Бобур эса, «чун икки улуг бек бу икки мардак эди, агар буларнинг сўзига қулоқ солмай сулҳ бўлмаса, ўзга эҳтиомоллари ҳам бор эди», «Менинг ва менинг давлатхоналаримизнинг бу ярашдин асло илм ва хабарлари йўқ эди ва бизлар бу суратка асло ризо бермас эрдук. Зарурат бўлди, бу йўсунлук сулҳ бўлди...», деб ёзади.

Сулҳдан сўнг фитначилар Бобурнинг бошига кўп қулфатларни ёғдиради. У инсофсизларни тартибга чақариш, қонунбузарлиқнинг олдини олишга имконияти етмаётганидан изтироб чекади. Кейинроқ бу кимсаларнинг дастидан чеккан озорларини шундай баён этади: «Менда ҳам онча ихтиёр ва ихтидор қолмадиким, бу навъ номаъқул ҳаракатлардин уларни манъ қила олғаймен. Не жиҳатдинки, Танбалдек душман мунинг орқа ва ҳимояти, ҳар не кўнгуллари тилар эди, андоқ қилурлар эди. Ажаб нозук маҳал эди. Ҳеч нима деб бўлмас эди. Бу оталиқ — ўғиллуктин ул муддатда ғалаба хорликлар тортидди...».

«Бобурнома» — муаллифнинг умр дафтары, армонлари баён этилган китоби. Асарни мутолаа этиб кўп илмлардан хабардор бўлиш билан бирга, Бобурнинг инсоф тарафдори, тартиб, қонун, қоидага қатъий риоя қилган ҳукмдор сифатидиги хислатларини ҳам билиб оламиз. Айниқса, салтанатни бошқаришда, давлатчилик қоида-қонунларида қаттиққўл Бобур тартибни бузган шахсга ким бўлишидан қатъий назар муроасасиз муносабатда бўлган. Унинг ҳатто оддий фуқароларга нисбатан ҳам адолат, имон талабларидан келиб чиқиб иш тутганига «Бобурнома»ни ўқиб шохид бўламиз. Мана, бир мисол. Бобур Афғонистоннинг Нингнаҳорида бўлганда, амакиси Улугбек мирзодан қолган бир бог-хавлига кўзи тушади. Богнинг дид билан қурилгани, шинамлиги унга Мовароуннахр бог-хавлиларини эслатади ва кўнглида темурийларга мансуб кичкина маконга эгалик қилиш ҳисси уйғонади. Бирок ҳам юрт султони, ҳам темурийларнинг мулки сифатида богни мусодара қилиб олиши қонунга хилоф эмаслигига қарамай, унинг эгасига нархидан ортик ҳиссада ҳақ бериб, ризолигини олади. Бу ҳам унинг шох бўла туриб мавхуд тартибни бузмаганлиги, давлатчилигидаги қонуниятни эҳтиром этгани, қолаверса, ҳумматли баландлигини кўрсатади.

Юқорида ўз даври қонунчилигига Бобур муносабатининг айрим жиҳатларига тўхталдик, холос. «Бобурнома»дан ташқари буюк алломанинг назмий асарларида ҳам қонунчиликка риоя этиш, унга амал қилишга оид қимматли фикрлар айтилган. Биргина «Мубаййин» асарини оладиган бўлсак, унда шариат ҳукми, унинг аҳкомларига риоя этиш, инсон тарбиясига қаттиқ эътибор зарурлиги ҳақида қимматли фикрлар баён этилган. Мана, бир мисол:

**Берса маҳсулини мукаппар ер,
Сен хирожини ҳам мукаппар бер...
Ким адо қилмайин хирож еса,
Молидин йўқ ҳалол мундоқ эса.**

Бобурнинг қонунчиликка муносабати бугунги авлодлар учун мавжуд қонунларга нисбатан эътиборли бўлиш, уларга шаксиз бўйсиниш ҳиссини тарбиялашга хизмат қилади.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор**

Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида

БИТТА ТЎҒРИ ЖАВОБ

Менинг ишим ёзиш, танқидчиларнинг вазифаси эса танқид қилиш. Танқидчилар ҳамма вақт ёзувчиларга ёрдам беришган. Мен романларим ҳақидаги танқидчиларнинг фикрларидан ҳафа бўлганим йўқ. Содда, барчага бирдек тушунарли усулда ёзганим сабабли улар мени яхши ёзмайди, деб танқид қилишади. Назаримда бадий асар ёзишнинг аниқ бир йўл-йўриги бўлмаса керак. Ҳар қайси ёзувчи ўзи алоҳида шахс, ўзига хос хислатлари, ўзига мос ўқувчилари бор. Шу қўнғача кўнглимда бирор-бир танқидчиға кек сақламаганман. Машҳурлигимдан мағрурлиб кетмадим ҳам. Ҳар доимгидек очикқўнғил, самимий инсонларга дўст-биродар бўлишга интиламан.

Пауло КОЭЛО

Гарчи асрлар мобайнида турли-туман механизмлар ясашни ўрганиб олган бўлсак-да, аммо адабиёт қандай яратилишини тушуниб етганимизга шубҳам бор.

Виржиния ВУЛФ

Бугун барчага бирдек маъқул бўлаётган фикр-мулоҳазалар — бу кечаги баҳс-мунозаралар, холос.

Томас ЭЛИОТ

Бир гал Бернард Шоудан сиз Инжилни Муқаддас Рух ёзган деб ҳисоблайсизми, дея сўрашганда у: «Барча замонларда ўқилмаган ҳар қандай китоб Рух томонидан яратилган бўлади», деб жавоб берган экан. Яъни китоб унинг муаллифидан кейин ҳам умрини давом эттириши керак. Муаллифнинг мақсади — бу инсоний мақсад, холос, ёзувчи адабиётни мумкин, бироқ асарда улкан умуминсоний мақсадлар бўлиши керак. Чунончи, «Дон Кихот» — фақат рицарлик романларига киноя эмас. Бу мутлақ мукамал, яхлит матн, унда тасофиларга ўрин қолмаган.

Хорхе Луис БОРХЕС

Заковатли инсонни ҳаётга буюк эҳтиромидан ҳам таниб олса бўлади.

Виктор ГЮГО

Адабиётшуносликнинг вазифаси бадий асардан айнан қайси ғояни, маънони излаш лозимлигини кўрсатиш, деган фикрдан воз кечиш керак. Адабиётшунос бадий асарга ҳеч қандай маъно «бағишламайди», балки асардаги ҳар қандай маъно-мазмуннинг пайдо бўлиши, юзага келиши билан боглиқ мантиқни таҳлил этади, таърифлайди.

Ролан БАРТ

Фалсафа орқали инсон ўзини танийди ва Тангри билан мулоқот қилади, халқ билан эса сўз санъати (риторика) кўмагида мулоқотда бўлади... Риторикани ва поэзияни ёқтирмайдиганлар ожиз одамлар, Тангри уларни истейдоддан бенасиб қолдирган. Улар кўнглидагини сўз орқали ифодалай олмайди ва шу боисдан ҳам ўзларини сирли кўрсатишга уринади. Аслида эса, улардан ҳеч қандай сир йўқ.

СИНЕСИЙ

Нима учун биз ижодкорлар жону жаҳонимизни санъатга бахшида этамиз? Бу саволга фақат битта тўғри жавоб бор: — Инсоннинг фаровонлиги ва улғуворлиги учун!

Жон ГОЛСУОРСИ

Иккинчи тарафдан, агар биз «смятение праведник»даги иккинчи сўз тақводор, ҳақгўй одамларни англатишини эътиборга олсак, ўзбекча «аброр» нафақат яхши одамлар, балки хос одамларни билдиришини кўзда турсак, унда бундай одамлар саросима, гангиш ва эсан-кирашдан йироқ эканлиги аниқ ва равшан бўлади.

Рус таржимони В.Державин ва ундан кейин деярли барча таржимонлар «хайрат»ни «смятение» тарзда беришар экан, улар бу истилоҳнинг чуқур сўфиёна моҳиятини етарли даражада англаб етишмаган чоғи. Ҳатто йирик шарқшунос олим Е.Бертельс ҳам ўзининг машҳур «Навоий ва Аттот» мақоласида ва бошқа асарларида «хайрат»ни «смятение» тарзда ишлатади, «Лисон ут-тайр»даги Хайрат водийсини «долина смятение (хайрат)» деб атади.

Бу хато кейинчалик китобдан китобга кўчиб, смятение хайратнинг рус тилидаги ягона эквиваленти айланади. Ўзбек тилини яхши билган олим ва таржимон С.Иванов ҳам «Лисон ут-тайр»нинг русча таржимасидаги ноиб аънаанага суяниб, хайратни «смятение» тарзда ўтирган.

Бизнинг русча таржимага айрича эътибор қаратаётганимизнинг яна бир сабаби бор. Рус тили жаҳондаги нуфузли тиллардан ва кўплаб хорижлик таржимонлар шу тилдаги таржимага суянишлари ва оқибатда буюк дostonнинг номи, умуман, Навоий ижодидаги «хайрат» сўзи (унинг юксак мақоми ҳақида юқорида гапирилди) чет тилларга ҳам хато ўғирлишини мумкин. «Хайрат» тасаввуфнинг хос ата-маларидан бири сифатида бошқа тилларга таржима қилинганда унинг луғавий, мантикий ва тасаввуфий маънолари эътиборга олинмоғи, яъни сўзга эҳтиром даркор. Бунда бадий таржимада баъзан йўл қўйилмаган эркинликка ўрин йўқ.

Буюк бобомиш Фиробий шарҳ ёзган Аристотелнинг «Метафизика» асарида шундай гап бор: «Бинобарин, ҳозир ҳам, аввал ҳам қилган одамларни файласуфлик қилишга ундаб келган». Бу гапда «хайрат» сўзи «удивление» тарзда берилган ва рус тилида яна бир сўз — «изумление» ҳам бор. Бизнингча, «Хайрат ул-аброр»нинг русча муқобил таржимаси «Изумление праведник» бўлиши лозим. Бунинг устига «хайрат» сўзининг «изумление» шакли навоийшуносликда аввалдан мавжуд Олим Шарафиддиннинг рус тилидаги «Алишер Навоий. Биографический очерк» (Т., 1939) китобида дostonни «Изумление благих» деб номланган. Йирик тилшунос олим А.Боровков «Родоначалниқ узбекский литературы» (Т., 1940) тўпламига кирган мақоласида «Хайрат ул-аброр»ни «Изумление праведник» деб атади. Демак, ҳар иккала олим «хайрат»ни «смятение» тарзда қабул қилишмаган. Улар «изумление»ни адекват таржима ҳисоблашган.

Буюк Навоий ўз дostonида нафис тўғйулар ва нозик кечинмалар ҳақида сўзлайди. Назокат ва нафосат майдонидан «смятение»га ўхшаш қўпол сўз ва кечинмаларга ўрин йўқ. Бинобарин улуг шoir дoston номига қатна маъно юклаб асар ҳомиасида дейди:

**Хайратни аброр кўруб зотини,
«Хайрат ул-аброр» дедим отини.**

Демак, асарнинг оти унинг зотиға, туб моҳиятиға тегишли ва бу моҳият ҳар қандай таржимада тўғри акс этмоғи лозим.

Бадий обидаларимиз бошқа тилға ўғирлар экан, таржиманинг тўғри-нотўғрилигини назорат қилиш зиммामиздаги вазифамиз. Негаки ўзбекона, шарқона руҳ жаҳон аҳлиға тўғри етказилиши, беш ҳақимизда ноаниқ тасаввур уйғонмаслиғи керак. Миллий ботиниятимиз ҳақидаги ҳаққоний тасаввур бенимис бойлиқдир.

**Сувон МЕЛИ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ҳодими**

АДОЛАТНИ ШИОР ЭТИБ

навий асосларга эғалигидан далолат беради. Жумладан, «Бобурнома» асарида қайд этилгандек, буюк давлат арбоб ва тенгсиз шоир Захириддин Муҳаммад Бобур ўз даври сиёсатида адолатни бош шир қилиб олгани юқоридаги фикримизга бир далилдир. Дарҳақиқат, қонун устуворлиги давлатчилигимиз тарихида энг пойдор тамойиллардан бўлиб келган.

Президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» номи маърузасида таъкидлаганидек, «Қонуннинг устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутати. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжаки йўритуви ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсиниш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробар. Қонуннинг устуворлиги шунчи билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлари учун жавобгар бўлади».

Тарихдан маълумки, ҳар бир давлат, салтанатда ўз даврининг қонун-қоидаларига амал қилинган. Бу қонунлар ўша замоннинг вақт ва макони, ижтимоий-иқтисодий муаммолари, фуқароларнинг моддий манфаати ва ҳукмрон мафкура заминида юзага келган ва амал қилган. Давлатчилигимиз тарихида доир мақола ва рисоаларда соҳибқирон Амир Темур даври ва ундан кейинги темурийлар замони қонунчилиги қисман тадқиқ қилинган, унинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Бу мавзунинг изчил ўрганиш истиқболда мустақил давлатимиз қонунчилигини янада бойитиш учун муайян имкониятлар туғдириши тайин. Шу маънода биз қўйида «Бобурнома» асарида муаллифининг инсоф, адолат, эл-юрт манфаатини кўзда тутган, ўз даври ахлоқий меъёрларини ифодалаган қонунчиликка муносабати ҳақида сўз юритмоқчимиз.

«Бобурнома»да «қонун» атамаси тилга олмаса-да, гап асосан ўша даврдаги тартиб-қоидалар, айниқса, темурийлар салтанати ва шаънини ҳўмаи этиш, ўша даврга хос ахлоқ мезонларини бузмаслик ҳақида борадики, буларни биз асар муаллифининг қонунчиликка муносабати тарзида қабул қиламиз.

Бадий асар қандай номланиши ҳамиша муҳим. Ушбу ном бошқа тилға аниқ ўғирлишини эса ундан-да муҳим. Зеро, ном асарнинг илк ҳўжжати ёки асар қасриға кириб бориладиган дарвозадир.

Ҳафталигимизнинг 14-ноябр сонидида «Халқ сўзи» газетасидан олиб босилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Тарихий сабоқларидан ҳўлоса чиқариб яшайлик ёҳуд адабиётимизнинг яқин ўтмишиға бир назар» мақоласини катта қизиқиб билан ўқиб чиқдим. Мақолада долзарб маънавий ва илмий масала ўртаға ташланган. Юртимиз қарамлиғи даврида маданий меросимизға берилган баҳолар, талқинлар қайта қўриб қилиниши зарурияти мақола пафосини белгилайди. Назаримда, Истиқлол ўзимизға мос ва ўзимизға хос йўлға қайтиш учун мумотоз шароит яратди, бундан фойдаланмоқ лозим.

Юқорида тилға олганимиз мақолада ҳазрат Навоий асарлари рус тилиға ўғирилганда йўл қўйилган айрим хатолар тўғри қайд этилган. Шундай қўпол хатолардан бири «Хамса»нинг илк дostonи номи билан боглиқ. Гап шундаки, «Хайрат ул-аброр» рус тилиға «Смятение праведник» деб ўғрилган. Бу русча номи илк бор ким қўлаганини аниқлаш қийин, лекин... Гап шунда-

оят кўпрак воқеъ бўлди. Ички беклар чаргасида эди, улуг беклар чаргасиға риоят қилдим».

Бобур темурийлар салтанатида айрим шахзода ва бекларнинг мулкка эғалик қилиш ҳисси ҳаддан ташқари қўчилиги оқибатда мавжуд мулкдорлик қоидаларини бузилишиға олиб келганини теран идрок этиб тасвирлайди. Унинг фикрича, бир темурийзоданинг омадсизлиги ёки муҳорибада йўл қўйган хатоси ўрнатилган тартибдан, амалдаги қонун-қоидалардан чекинишға сабаб бўлади. У «неча жиҳатдин мумкин эмас эрдиким...», деб бундай ҳаракатларнинг гайриқонунчилигини эътироф этади. Бобур талқинича салтанатнинг парчаланиб, тайда феодал султонлиқларға ажралиб кетиши, аввало, белгилаб қўйилган низомларға риоя этмаслик, уларға лоқайд, бепесанд қарашнинг оқибатидир.

Давлат тузилиши, унинг бошқаруви ва сиёсий ҳолати ҳақида мулоҳаза юритаркан, Бобур унинг тартиб-қоидаларидан келиб чиқиб жиддий, адолатли ҳўки чиқариш лозимлигини, инқирозли вазиятда номувовиқ қарорларға келиш давлатчилик қонунларининг бузилиши билан тенглигини алоҳида таъкидлайди: «Яна бир бўким, мундоқ маҳалдаким, эл қочиб ул вилотқа борди, таҳаққум тарихи бида тамаъ қиладур, агар бурунроқ бу сўз арода бўлса эди, филжумла важи бор эди аларнинг таҳаққумини ким тортор бўлғай?».

Бобур бу эътирозни мулк бериш қоидасини поймол этган амакиси Султон Маҳмудхонға нисбатан айтган. Самарқанд ҳўкими Султон Абусаиднинг ўғли бўлган бу шахсни Бобур, гарчи у саводли бўлса-да, илм аҳли қадриға етмаган, жоҳил, мумсик шахс сифатида тавсифлайди. Унинг мулқгирлик қоидасини бузгани, муҳорабаға хисса қўшмасда «ўз улушини» сўрагани қонунға хилоф эканини айтиб, Бобур шундай далилни келтиради: «Самарқандни олмоқ дояси бида неча йилким бажид черик тортар эдук, Султон Маҳмудхондин агарчи муътадун бир мадад ва кўмак бўлмас эди, вале Самарқанд фатҳидан сўнг Андижонни тамаъ қилур эди».

Ушар давр Мовароуннахр сиёсий ҳаётида содир бўлган бундай воқеалардан Бобур қаттиқ ранжийди, афсус чекади. Унинг қўйидаги иқрори замирида давлатчилик, юртини бошқаришда қонунларға риоя эти-

лиши тенгсиз бир ибрат мактабидир.

Тақдир тақозоси билан ўзига қарши фитна уюштирган Узун Ҳасан, Қосим Ажаблар қўлидан Андижонни яна қайтариб олган Бобур рақиблари ҳамда яқинларидан қўрган жабр-зулми билан, «мунча бузуқчилик қилғон ва мунча бизга таллуқ мўмин ва мусулмонни тутқон ва талағон»ларни жазолашни тақлиф этдилар», дейди ва адолатни тиклаш мақсадида «филвоқеъ маъқул кўрунди» деб беклари фикрини қувватлаб, бу ҳақда фармон беради, яъни айтиш мумкинки, бу жараёни қонунийлаштиради.

Ана шу фармондан сўнг Бобур хатоға йўл қўйганини пайқайди. У «агарчи маъқул ва муважжаҳ эди (яъни фармон бериш — **Х.К.**), бир нима шитоб бўлмиш.

Қадриятларимиз

Жаҳонгир мирзодек музи ёнимизда ўлтуруб, элни мундоқ хурқутмоқнинг ҳеч маъни ийўқ эди», дейди. Бу билан Бобур қонуний жиҳатидан тўғри бўлган фармонининг ноўрин берилганлигини таъкидламоқда. Чўнки у ўз тарафдорларининг мулқгирлик қарашлиға эътибор бериб, лашкар ва салтанат хавфсизлигини эътиборидан қочирган, бу билан рақибни Жаҳонгир мирзоға маълум имкониятларни яратиб берган эди. Бунда биз Бобурнинг қонунчиликни иқтисоддан, сиёсатдан кўра устун баҳолаганлигини кўраимиз. Унинг қўйида келтирилган ҳўлосаси фикримизни далиллайди. Унда давлатчиликда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунларға бўйсиниш шартлиғи ўқтирилади. Шу билан бирға мамлакатда яратиладиган ҳар бир қонун, унинг қоида, тартиблари жуда кенг муҳоама этилгандан сўнг, «Етти ўлчаб бир кес», деган ҳикматға амал қилиб чиқарилиши маъқуллигини алоҳида таъкидлайди: «Мулқгирликда ва мамлакатдорлиқта агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ кўрунур, вале ҳар ишининг заминида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдур».

Амир Темур салтанатида муҳорабаларни тартиб-қоидалар бўйича олиб бориш, сулҳ тузишда қонунларға амал қилиш шарт ҳисобланган. Бунга қўлгина тарихий манбалар далолат беради. «Бобурнома»дан ҳам бу фикрни тасдиқлайдиган мисолларни келтириш мумкин. Бобурнинг Андижонда ҳукмронлиғи даврида та-

Бехабардирмен тамом

Ишққа тўлмишдир ва бўм-бўшидир кўнгли.

Демак, тасаввуфдаги водийларнинг барчаси, айниқса, юқори босқич водийларидаги етакчи тўйғу-эҳтирос ишқдир. Бунда гайриоддий ҳолат, алоҳида қайфият жорийдир. Маълумки Хайрат водийсидан олдин Тавхид водийси бор. Тавхид ҳақида Аттот ўзининг «Тазкират ул-авлийн» асарида шайх Юсуф ибн Хусайн Розийнинг шундай сўзларини келтиради: «Тавхид улдурум, кўнглини андоқ туттайки, худди Аллоҳнинг ҳўзурида турган каби бўлур. Ҳар ким тавхид денгизига шўнғиса ҳам, ташналиғи қонмагай. Зеро, ташналиғи ҳам фақат Ҳақдан қонур».

Бў кўчирма Акмал Саидовнинг бирламчи манбалар асосида ёзилган «Атторшунослик» (Т., «Sharq», 2013) китобидан олинди. Яна шу ерда ёзилишича, «Олтинчи — Хайрат водийси Тавхид водийсининг мантикий давоми ҳисобланади. Солиқ тавхиднинг уму-

мий ва алоҳида хоссаларини тўла англаб етганидан кейин у чуқур хайратға тушади» (шу китоб, 158-159 бетлар).

Чуқур хайрат саросима (смятение) эмас. Хайрат оғушидаги солиқ ҳол соҳибидир. «Ҳол — суфийнинг юксак маънодаги маънавий-рухий ҳолати; қайфият, қувват» (Алишер Навоий, Тўла асарлар тўплами, ўн жилдлик, 10-жилд, Т., 2011, 661-бет).

Акс садо

Шу китобдаги шарҳ ва изоҳларда яна шундай дейилади: «Хайрат. Қалбда юз очган тажаллий тўғайли солиқнинг англаш ва муҳоамадан тўхтайдиган бир ҳолға етишиши. Абу Наср Саррожини таърифлашда, хайрат таҳаммул, тафаккур ва ҳўзурлаш асносида орифларнинг қалбларида юзага келган, уларни фикрлаш ва муҳоама юри-тишдан четлаштирган «бадиҳат», яъни еришма, ойдинлашиш, ойдинлиқдир».

МАНТИҚ ВА МАЪНО

ёҳуд хайрат “смятение” эмас

ки, русча номдаги «смятение» буюк даҳомиз асари номидаги «хайрат» сўзига юклаган маънони бера олмайди, ҳатто айтиш мумкинки, асарнинг асл маъно-моҳиятиға путур етказида. Луғатларға қараймиз: «смятение — 1. саросима, олаговур, гулгула. 2. гангиш, эсанкираш, довдираш, ҳаяжонға келиш, изтироб» («Русча-ўзбекча луғат», бешинчи жилд, 151-бет). Ёки: «смятение — паническае растеряние, тревога» (С.Ожегов, «Словарь русского языка»).

Бу ердаги маъноларни ёдда тутган ҳолда, «хайрат» сўзининг зоҳирю ботиниға назар ташлаймиз. Бинобарин, «хайрат» шўнчаки сўз эмас, тасаввуф тавлимотида махсус истилоҳ рутбасиға эға. У Яратган васлиға етишиш йўлидаги босқич, олтинчи водийнинг номи. Бу анчайин юксак мақом бўлиб, ундан сўнг фақат охирги, еттинчи «фақру фано» водийси бор, холос. Хайрат солиқ, йўлчининг Ҳақ васлиға етишиш йўлидаги гайриоддий транс ҳо

ЁШЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ



Ўзбек миллий театрининг бешиги бўлмиш муқаддас даргоҳ билан тақдирим боғлангани учун ҳамиша шуқорналар айтаман. Қанча-қанча буюк устозларимиз, салафларимиз ўтган бу сахна мени эл-юртга танитди, халқ меҳрига сазовор қилди. Камтарона меҳнатларим юқори баҳолиниб, "Ўзбекистон халқ артисти" деган шарафли унвонга сазовор бўлдим. Театримизнинг 100 йиллиги муносабати билан "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланганим юрагимда фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдириб юборди. Бунинг учун мухтарам Президентимизга минг раҳмат.

Юбилей муносабати билан жамоамиз юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказган учрашувлар, давра суҳбатларида халқимизнинг театр санъатига муҳаббати нақадар юксаклигини кўриб чин дилдан қувондик. Айниқса, ёшларнинг сахна асарларига бефарқ эмасликлари, актёрлар ижодини кузатиб боришлари руҳимизни кўтариб юборди.

Ҳозир сахнада ижод қилаётган ва энди-

гина театр остонасига қадам қўётган ёшларга ҳавасим келади. Улар учун барча шароитлар муҳайё, имкониятлар эшиги кенг очилди. Театримиз биносининг ташқи ва ички қисмидаги янгиланишларни айтмайсизми! Томошаги илҳом ва илҳомли бўлиши, ўриндиқлар, сахнани ҳаракатлантирувчи қурилмалар тўлиқ янгиланди. Залга ўрнатилган иккита катта монитор томоша-

Шукрона

монлари киёфасини ёрқин ифода этадиган янги асарларни оризқиб кутаётганини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир", деган сўзлар биз катта авлод вакилларига ҳам, ёшларга ҳам бирдек масъулият юклайди. Эро, одамлар, санъат илҳомландири ҳаётларида дуч келадиган, ўзларини ўйлантирадиган мураккаб саволларга театр ибрати орқали жавоб топишни истайдилар.

Бизнинг вазифамиз уларнинг саволларини жавобсиз қолдирмаслик, халқимиз, хусусан, ёшлар онгига миллий истиқлол ва юртпарварлик ғоясини сингдиришга хизмат қилувчи юксак савиядаги профессионал сахна асарлари яратишдир.

Тўти ЮСУПОВА,
Ўзбекистон халқ артисти,
"Фидокорона хизматлари учун"
ордени соҳибаси


ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллик юбилейи ҳаётимдаги энг қувончли ва тарихий саҳифа бўлиб қолади. Айнан юбилей тантанаси арафасида Президентимиз фармонида кўра "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" деган юксак унвонга лойиқ қўрилишим ва байрам нишонланган кунни унвонининг топширилиши қалбимни фахр ва ғурурга тўлдирди. Бу Юрбошимизнинг беш ёшларга ғамхўрлиги ва ишончининг ёрқин намунаси.

Биринчи навбатда мени профессионал театрга йўналтирган устозларимизга, театримиз жамоасига чин дилдан миннатдорлик билдираман. Ўзимни бахтли актёрлардан бири деб биламан. Чўнқ эсимни таниганимдан буён Миллий театр сахнаси ва

Дил изҳори

корларни кўрган даргоҳда, улус актёрлар сабоғини олган устозлар бошчилигида ижод қилиш насиб этди. Миллий театрининг ўз анъаналари, ёзилмаган, лекин ҳамма амал қилдиган қонун-қоидалари бор. Буни иш жараёнида, ҳар



бир спектакл репетицияларида тобора чуқурроқ ҳис қилаялман. Устозлар ёш актёр ва актрисаларга ёрдам беришга ҳамиша тайёр. Эҳтимол, шунинг учун ҳам жамоага қўшилиб кетишим осон кечган бўлса ажабмас. Катта санъаткорлар ҳар бир истеъдодли ёш ижодкор фаолиятини ҳолислик билан кузатиб боришди, керакли маслаҳатларини аяшмайди. Муҳими, ёшларга

ишонч катта. Бу эса, зиммамизга катта масъулият юклайди.

Айниқса, Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан жамоамизга йўллаган табриги биздаги масъулият ҳиссини икки қарра оширди. Хусусан, "Сиз, азизлар, мамлакатимиз театр санъатининг энг яхши анъаналарини бойитиб, янги авлодларга безавол етказасиз, юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан сурғилган асарларингиз билан халқимиз, аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман", дея билдирган тилаклари жамоамизга билдирилган катта ишончдир. Театримиз ёшлари бу ишончни оқлаш йўлида астойдил меҳнат қиладилар, деб сўз бераман.

Асадило НАБИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист

ОРДЕН ОЛДИМ

Орден олдим, кўксим тоғ бўлди,
Улуг ёшда кайфим чоғ бўлди.
Кутлуг экан "Дўстлик" ордени,
Кутлуг ўзи минг кучоғ бўлди.

Сир тилар дўстим кўп экан,
Гул сўзлардан дил бўлди чаман.
Тоғ саҳардан олқини, табриклар,
Келмоқдадир тинмай дамба-дам.

Имзо чекди азиз Юрбошим,
Чақнаб кетди ижод қуёшим.

Манглайм ҳам ярқираб кетди,
Кўкка етди донишманд бошим.

Умрим йўли ҳали кўп олис,
Йўқдир менга орқада қолиш.
Бордир сенга, Ҳайдар Мухаммад,
Асрларга доврўқлар солиш.

Ҳайдар МУХАММАД,
"Дўстлик" ордени соҳибаси

ЯНГИ ДАВР ТАЛҚИНЛАРИ

"Озод Ватан саодати" номи билан беш жилдди мажмуанинг нашр этилгани ўзига хос адабий воқеа бўлди. Ўз ичига назм, наср, бадиий публицистика, адабий танқид каби жанрларни қамраб олган мазкур мажмуанинг учинчи жилди драматургияга бағишланган. Уни тузишда нафақат драматургия тараққиётига, драматург маҳорати, шунингдек, театр санъатининг ижрочилик салоҳияти билан узвий боғлиқлигига оид қоидаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, театр жонли санъат бўлиб, унинг фаолияти қундалилик, ўқинчилик ҳамда вақт синовидан ўтувчи доимийлик омиллари билан белгиланади. Яъни, театр ҳар кунни томошабинлар билан юзма-юз қилишиб, турли жанрдаги асарларни намойиш қилади. Республикавий театр жамоалари ҳар мавсумда ўртача 4-5та янги спектакл қўйиш оdatий ҳол эканини назарда тутсак, Мустақиллик йилларида қирққа яқин театрлар репертуаридан уч-ярим мингдан зиёд спектакллар ўрин олгани маълум бўлади. Бинобарин, янги ёзилган оригинал пиесалар сони ҳам икки мингдан ортади. Бу ўринда, шубҳасиз, ҳар бир спектаклдан юксак бадиият, етук профессионализмни талаб қилиш ноўрин.

Асар танлашда драматик асар мавзуси, унинг бадиий ечимасосий мезон саналади. Қундалик турмушга алоқадор маънавий мавзулар асар пиесаларда қаламга олинади. Бироқ янги

даврнинг етакчи тенденциялари кишилар ҳаётида қандай акс этаётгани, улар онгига кўрсатаётган таъсири жонли гавдалантирилган драматургик асарлар нисбатан кам. Ситобда улар орасидан қараб олинганлари ўқувчиларга тақдим этилган.

Мажмуада ўтган асрнинг 50-60 йилларидан эътиборан асарлари Ўзбек театри сахнасида ўз ўрнига эга бўлган драматурглардан Шукрулло, Одил Ёқубов, Эркин Самандар, Эркин Вохидов каби муаллифлар билан бирга, бу соҳага мустақиллик даврида кириб келган Абдулла Аъзам, Рихсидой Мухаммаджонов, Эркин Аъзам, Эркин Хушвақт, Шукрат Ризаев, Усмон Азим, Қўчқор Норқобил каби ижодкорларнинг сахнавий асарлари жамланган. Чўнқини, Қ.Норқобилнинг "Биз ҳам одамимиз ёхуд икки оёқли бўри" драматизацияси билан бирга,

турдаги илк асари. Тоғли вилотлардан биридаги чўпонлар ҳаёти акс этирилган ушбу эпик драмада оддий одамларнинг турмуш тарзи ҳаққоний ёритилган. Унда характерларнинг мантиқан асослангани, персонажлар тилининг индивидуал хусусиятларга эгалиги, энг муҳими, драма пойдевори бўлиши конфликтининг ижтимоий табиати Қўчқор Норқобил драматургияси жанрида жиддий ижодий изланаётганидан далолат беради.

Абдулла Аъзамнинг "Устаси фаранг" асарида Замонбек исми ўсимирнинг янги давр ўзгаришларида қалбани ҳис эта олиши, тадбиркор бўлишга интилиши, техникага қизиқиши, ўз хусусий корхонасини ташкил этишга астойдил киришгани ишончли раҳна қўйишларида ифодаданган. Мазкур асарда Замонбек ва замонбеклар

нинг улғайган палласини Шукрат Ризаевнинг "Дискотека" пиесаси бош қаҳрамони, коллеж битирувчиси Ойбек тимсолида ҳам кўриш мумкин. Фарб маданиятининг кенг тарқалган, "оммавий маданият" деб аталувчи ахлоқсизлик ўчоқларидан бири бўлган дискотекани бизнинг шароитимизда ёшларни эзгулик йўлида бирлаштирувчи, гўзалликни тарғиб этувчи маданият манбаи сифатида тасаввур қилувчи Ойбек пойтахтда қолиб, ишлатиш имкониятидан воз кечиб, вилоятда ўз ниятларини амалга оширишга аҳд қилади. Ойбекнинг ҳаётга, ҳатто адабиётга муносабатида, фикрлаш тарзида ҳам мустақиллик нафаси акс этади.

Янги давр моҳиятини тушуниш, қалбани ағлаб етишга интилишдек мураккаб психологик жараён ҳаётининг бутун онгли даври шўролар замонида ўтган катта авлод вакилларида қанчалар мураккаб кечганлиги Э.Аъзамнинг "Жаннат ўзи қайдадир" асарида чуқур руҳий таҳлиллар орқали акс этирилган. Мустақилликнинг дастлабки вақтларида бу жараён турли одамларда турлича кечгани ҳаётий ҳақиқат бўлиб, ёзувчи уни юксак маҳорат билан очиб берган.

Ўша вақтларда бир юмалаб,

Бундан икки аср муқаддам италиялик буюк композитор Жоаккино Россини "Севилиялик сартарош" операсини яратар экан, замонлар ўтиб, унинг қаламига мансуб гўзал ариялардан бири юртимиз пойтахтида ўзбек хонандаси Жаброил Идрисов томонидан юксак маҳорат билан ижро этилишини тасаввур қилганмикан? Бу биз учун жумбоқ бўлса-да, шунини ишонч билан айта оламизки, қирқ ёки ўттиз йил илгари мамлакатимизда "Competizione dell'Opera" сингари халқаро опера танловининг ўтказилиши ушалмас орзу эди.

ИСТЕЪДОД ТАНТАНАСИ

Истиқлол шарофати билан юксак нуфузга эга қўллаб халқаро анжуманлар мезбонига айландик. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Урганч каби шаҳарларимиз дунё олимлари, машҳур ижодкор ва мутахассислар учрашадиган маданият марказлари сифатида шуҳрат қозонди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Competizione dell'Opera" италян операси ижрочиларининг XIV халқаро танлови ҳам бунинг далилидир. Бир ҳафта давомида Тошкент италян операсининг сурурли оҳангларига чўмди, десак муболага бўлмас. Дунёнинг беш қитъасидан ташриф буюрган истеъдодли опера хонандаларининг чиқишлари муҳлислар учун чинакам санъат байрамига айланди.

Халқаро танлов иштирокчилари орасида ўзбекистонлик ёшларнинг чиқишлари хорижлик мутахассисларнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлди. "Туркистон" саройида ўтган финал босқичи якунларига кўра соҳир овози, маҳоратли ижроси билан муҳлислар олқишига сазовор бўлган Ўзбекистон Давлат консерваторияси магистранти Барно Исмаиловалар халқаро танлов ғолибига айланди. Иккинчи ўринга белоруссиялик Павел Петров лойиқ топилган бўлса, учинчи ўрин россиялик Мария Баянкина ҳамда ўзбекистонлик хонанда Жаброил Идрисовга насиб этди.

Ўзбекистон ва жаҳон


— Ўз юртида, муҳлислари ва устозлари қаршисида қўйлаш имконига эга бўлган опера хонандасига ҳавас қилса арзийди, — дейди халқаро беллашув ғолибаси Б.Исмаиловалар. — "Competizione dell'Opera" танловида Ўзбекистон номидан иштирок этган ҳар бир ёш ижодкор ҳаяжон ва завқ туйғусини ҳис этганига ишончим комил. Бундай нуфузли анжуманда қатнашишнинг ўзи катта бахт. Саҳнада нималарга қодир эканингини намойиш этиш баробарида турли мамлакатлардан ташриф буюрган тенгдошларинг ижоди билан яқиндан танишиш имконига эга бўласан. Демак, танлов ёш ижрочилар учун тажриба майдони вазифасини ҳам ўтади. Шахсан менда, туркиялик баритон овоз со-



ҳиби Қарнал Карагедикнинг чиқишлари катта таассурот қолдирди. Хонанда нафақат кенг вокал имкониятлари, балки актёрлик маҳорати, ёрқин кечинмалари билан ҳам муҳлисларни мафтун қилди.

29 ноябр кун "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида танлов қатнашчилари, хорижлик мутахассислар, машҳур опера хонандалари иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди. Камалиддин Ўринбоев раҳбарлик қилган оркестр жўрлигида ижро этилган ҳар бир ария муҳлисларнинг олқиш ва эътирофлари билан қарши олинди. Якуний концерт томошаси танлов иштирокчилари учун ўзига хос синов бўлди. Анжуманлар саройининг муҳташам сахнасида, юзлаб томошабинлар қаршисида қўйлаш ҳар бир хонанда зиммасига масъулият юклагани, шубҳасиз. Муҳими, санъат илҳомландири яна бир бор италян операси оҳангларидан, санъаткорларнинг гўзал ва бетакор ижроларидан баҳраманд бўлишди.

Хумора ЙЎЛДОШЕВА



Ўзбекистон давлат консерваториясида юртимиз мусиқа санъатининг етакчи мутахассислари — профессор Софья Цой ва доцент Галина Мухамедоваларнинг "XVII-XIX асрлар концерт вокал жанрлари" номли илмий-услубий қўлланмаси тақдими бўлиб ўтди. Қўп йиллик педагогик тажриба ҳамда катта илмий-амалий изланишлар маҳсули бўлган ушбу китоб вокал педагогикасида концерт-камер қўйлаш муаммоларини ўрганиш бўйича биринчи илмий иш ҳисобланади. Жаҳонда бунга ўхшаш тадқиқот ҳали-ҳануз яратилмаган.

Маълумки, сўнгги йилларда ўзбекистонлик ёш опера хонандалари чет мамлакатларда ўтказилаётган нуфузли халқаро танловларда совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Шу тўғрисида хонандалар репертуарига концерт арияси, якка-

хон кантата, вокал-баллада каби камдан-кам ижро этиладиган мураккаб жанрлар кириб кела бошлади. Мазкур китобда ушбу жанрларнинг тарихи ва ривожланиши, унинг ижро этилиши ва ўзига хос хусусиятлари батафсил ёритилган. Қўлланма санъат илми институтлари талабалари, му-

сикий театр яхкаҳонлари, концерт ижрочилари, вокал ўқитувчилари ва мусиқа шинавандаларига мўлжалланган.

Тақдиримизда сўзга чиққан консерватория проректори А.Норбеков, китоб муҳаррири, профессор И.Галишченко қўлланма ҳақида батафсил маълумот бердилар. Тадбир концерт тарзида давом этди. Саҳнада С.Цой ва Г.Мухамедова синфи талабалари Ш.Ибрагимов, Я.Зяблов, А.Мамадмусоев ва Б.Давронов Кариссим, Моцарт, Бетховен, Лёвнинг концерт ариялари ва балладаларини ижро этишди.

Феруза МУХАММедова,
консерватория ўқитувчиси

мустақиллик широрларини ўзларига либос қилиб олган бўқала-мунларга қарши ўлароқ, асар қаҳрамони — фан доктори, профессор Жўракул ўзи бир умр сиғиниб келган ишонч барбод бўлганини, юрт мустақиллиги аслида унинг азиздан ички табиий хоҳиш-иродаси эканини руҳий кечинмаларга тўлиб-тошган изтиробли фикрлаш жараёнида ағлаб этади.

Таъкидлаш жоизки, тўпладан ўрин олган пиесалардаги воқеалар узок-яқин ўтмиш бўлаётгани, бугунги кунларимизга тегишлилиги, уларнинг бари тарихан узок муддатларни қамрай оладиган доимий, жиддий мавзуларда профессионал ёзувчилик салоҳияти билан яратилган. Мажмуада жамланган асарлар юртимиз театрларида муваффақиятли сахналаштирилган. Даврий матбуотда театр мунақиждилари томонидан баҳоли қудрат таҳлил қилинган. XX аср ўзбек театрининг янги тарихида мазкур асарлар муносиб саҳифаларни эгаллашга шубҳа йўқ. Шу билан бирга, тўпладан чоп этилган пиесаларнинг ҳаммаси бирдек бадиий баркамол, драматургиянинг барча талабаларига тўла жавоб бера олади, деёлмаймиз.

Эро, драматургияда гоёвий ва бадиий қимматга эга нодир асарлар доим ҳам учрайвермайди. Янги давримиз драматурглар учун тенгсиз илҳомбахш манба бўлиб, унинг ғоялари ва

маънавий мезонлари жамиятнинг барча аъзолари тақдирини аниқ-тиниқ акс этаётгани, шубҳасиз. Ана шу ғоялар турли ёшдаги, турли тоифадаги одамлар турмуш тарзида, дунёқарашида қандай акс этаётганини реал ифодалаш драматурглардан теран фалсафий мушоҳадаларни, юксак савия ва бадиий маҳоратни ҳамда театр амалиёти қонуниятлари ва мезонларини яхши билишни талаб қилади. Айни вақтда драматургиянинг давримиз талаблари мисол тариқасида ривожланиши учун театрлар жамоасидаги ижодкорлик муҳити, ижрочиларнинг, айниқса, режиссуранинг профессионаллик даражаси катта аҳамият касб этади. Миллий театримиз тарихида режиссурада муаллифлар билан ижодий ҳамкорлик қилиш, асардаги туб моҳиятини теран ағлаш, даврининг эстетик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда миллий маданиятимиз тарихидан муносиб ўрин олишга аргизулик умрбоқий асарларнинг яратилишида ҳал қилувчи аҳамиятга моли бўлган анъаналар, ижодий мактаблар бор ва бу билан фахрланамиз. Маннон Уйғурнинг "Жалолиддин Мангуберди" (М.Шайхзода), "Алишер Навоий" (Уйғун ва И.Султон) спектакллари, Тошхўжа Хўжаевнинг "Олтин девор" (Э.Вохидов), Баҳодир Йўлдошевнинг "Келинлар кўзғолони" (Саид Аҳмад), Рустам Ҳамидовнинг "Қиёмат

қарз" (У.Умарбеков) каби сахна асарлари ўзбек театрининг дурдона спектакллари сирасига кирилади. Гап шундаки, бу спектаклларда режиссёрлар драматург ишига улкан масъулият билан ёндошганлар. Пиесалардаги асосий ғояни, айтилмоқчи бўлган етакчи мавзунинг режиссёр ва драматург биргаликда аниқланганлар, сўнг ҳар бир сахна, ҳар бир образ, ҳар бир жумла устида тер тўкиб меҳнат қилганлар.

Тўпладан жой олган асарлар режиссёрлик режаси, спектакл лойиҳаси ва бошқа ижодий жараёнга дахлдор этнография, тарихий шарҳ-изоҳлар билан таъминланганда, нафақат театрлар архивидан муқим ўрин эгаллаган, балки драматург билан ҳам-жиҳатликда спектакл яратиш жараёнида профессионаллик мезонларига амал қилинаётгани далилланган бўларди.

Муҳими, мажмуа китобхонлар қўлига етиб борганининг ўзи катта ютуқ. Бу иш ҳали давом этиб, анъанага айланади, деб умид қиламиз. Муҳлислар турли мавзудаги пиесаларни ўқиб, улар асосида сахнага қўйилган спектаклларни кўриб, киёслаш имконига эга бўладилар. Айни жараён бадиий савиянинг, адабий диднинг юксалишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тоир ИСЛОМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор

РАҚС САНЪАТИ ЖОНКУЯРИ

Азимжон Азизовнинг номи рақс шинавандалари ва санъат ихлосмандларига яхши таниш. Бутун умрини ўзбек рақс санъати ривожига бахшида этиб келаётган устоз иш фаолиятини ўзбек давлат филармониясида бошлаган эди.



Шайхонтоҳур туманидаги маданият масканида А.Азизов ташаббуси билан "Баёт" ашула ва рақс студияси ташкил этилди. Кўп ўтмай ансамбл иштирокчиларининг сони 200 дан ортиб, номи эл орасида танилди. Кундан-кунга репертуари

бойиб, ижро савияси юксалиб бораётган "Баёт" ансамбли Польшанинг Зелена Гура, Африканинг Серра-Леони каби шаҳарларида ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек ашула ва рақс санъатини намойиш этиб қайтди. Бундан ташқари, Германия, Руминия, Хитой, Хиндистон, Италия, Франция, АҚШ, Голландия, Туркия каби давлатларда ўтган халқаро фестиваллар ва кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашди. Бу тадбирларда А.Азизов сценарийлари асосида "Гулгаётган давримизни куйлаймиз", "Ўзбекистон — олтин диёрим", "Тошкент — тинчлик ва дўстлик шаҳри", "Биз мустақил юрт набираларимиз" деб номланган турли мавзулардаги концерт дастурлари мухлисларга ҳавола этилди. Ушбу дастурлар нафақат мухлисларда, балки мутахассисларда

ҳам катта таассурот қолдирди. Жумладан, таниқли балетмейстер Игор Моисеев шундай деганди: "Ўзбекистоннинг "Баёт" номи оригинал ижодий жамоаси концертларидан жуда таъсирландим. Ўзбекона, ниятда гўзал ва мафтункор рақслар билан бирга, шундай ажойиб ҳаваскорлик ансамблини тузган фидойи инсонлар истеъдодига қойил қолдим".

Шуни алоҳида айтиш жоизки, А.Азизов нафақат "Баёт" ансамблини, балки Қува туманида "Анор", Нуротада "Чўли ирок", Карманада "Гули", Қашқадарёда "Китоб гуллари", Жиззахда "Дўстлик чамани" каби ҳаваскорлик ансамбллари тузишда ҳам жонбозлик кўрсатган. Айниқса, устоз раққос раҳбарлигида республика ўқувчилар саройида ташкил этилган "Чаман" бола-

лар фольклор рақс ансамблининг муваффақиятлари кўпчиликка ибрат бўлди. Устоз санъаткор салкам юзга яқин иштирокчиси бўлган ушбу ансамбл билан "Биз мустақил юрт набираларимиз", "Чаманда гул", "Тановар", "Гулноз", "Олмача анорим" каби оммавий фольклор рақсларини саҳналаштириб, жамоанинг "Намунали болалар халқ ансамбли" номига сазовор бўлишини таъминлади.

Икки оғиз дил сўзи

Уста раққос шоғирдлари билан ҳар бир рақс ҳаракати устида жиддий ишлайди, ижро ва саҳна маданиятига риоя қилишни талаб қилади. Айни пайтда ҳар бир болага меҳрибонлик билан муносабатда бўлади. Ёш истеъоддорлари она Ватанини чин дилдан севиш, одамларни ҳурмат қилиш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, табиатни асраш руҳида тарбиялади. Энг

муҳими, санъатни севишни, унга фидойи бўлишни ўргатади. Унинг шоғирдлари орасида Маҳбуба Хасанова, Санобар Каримова, Элмурод Исмолов, Нурхон Зулунова, Бахтиёр Тўлаганов, Шўхрат Йўлдошев, Суннатилла Қўчқоров каби ўнлаб таниқли санъаткорлар борлиги устоз меҳнатларининг самарасидир. "Азимжонга узоқ йиллар устозлик қилганман, — деган эди матбуотдаги суҳбатларидан бирида таниқли балетмейстер Исахор Оқиллов. — У ҳамиша ишга эрта келиб, тинимсиз машқ қиларди. Янгилик яратиш йўлида изланишдан чарчамасди. Унинг ижросидаги "Чаккон йигит", "Помирча йўли", "Минг чарх", "Тинчликни сақланг", "Шўх ўғлон", "Мақумба" сингари турли миллат рақсларини томошабинлар ўринларидан туриб олқишлаганига гувоҳ бўлганман". Санъаткорнинг маҳорати, ташкилотчилик қобилияти, шоғирд етиштириш борасидаги меҳнатлари эътиборга олиниб, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони билан тақдирланди.

Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ,
фахрий журналист

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

МАРКЕС АРХИВИ

Колумбиялик машҳур ёзувчи, Нобель мукофоти соҳиби Габриэль Гарсиа Маркес архиви энди Техасс университетининг ихтиёрида бўлади. Маркеснинг оила аъзолари ташаббуси билан ташкил этилган савдо чоғида харид қилинган ушбу адабий мероснинг баҳоси ҳозирча ошқор қилинган йўқ.

Университет ходимлари маълумот беришича, нобел архив адибнинг ярим асрлик иходини қамраб олади. Кўплаб кундалиқлар қаторида унга яқин китоб кўлэмаларини учратиш мумкин. Улар орасида "Ёлғизликнинг юз йили" романига мансуб илк битиклар ҳам мавжуд. Шунингдек, архив таркибида икки мингдан ортиқ мактуб, Карлос Фуэнтес, Грэм Грин каби ёзувчилар билан олиб борилган қизиқарли ёзишмалар киритилган. Айни пайтда Маркес архивини электрон кўринишга ўтказиш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

ОМАДИ ЧОПГАН ЁЗУВЧИЛАР

"Forbes" журнали 2014 йил якунларига кўра энг катта даромад кўрган ўн беш ёзувчи рўйхатини эълон қилди. Китоб бозорида барчадан кўра Жеймс Паттерсоннинг омади чопган. Шов-шувли триллер ва детективлар унга 90 миллион доллар фойда келтирди. Иккинчи ўринни 28 миллион доллар даромад билан таниқли ёзувчи Ден Браун эгаллаган бўлса, учинчи ўринни муҳаббат мавзусидаги романлар савдосида 23 миллион доллар ишлаган Норо Робертсга насиб этди. Дарвоқе, сердаромад ёзувчилар рўйхатида нафақат осийлик, балки европалик иходкорларга ҳам жой топилади.

КИТОБ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Китоб мутолаасига қизиқишни янада оширишни мақсад қилган аргентиналик ноширлар гаройиб ишга қўл уришди. Бир гуруҳ ёш муаллифларнинг асарларини чоп этиш учун ўзига хос бўёқ туридан фойдаланишга қарор қилди. Китобни харид қилган ўқувчи уни махсус муқовадан озод қилганидан сўнг дарҳол мутолаани бошлаши лозим. Сабаби, вақт ўтган сари китобдаги ёзув ўз рангини йўқотишни бошлайди ва охири-оқибат мутлақо кўринмай қолади. Аргентиналик ноширлар таъбири билан айтганидан бўлса, замонавий ўқувчи "Китоб кутиб турмайди" шioriрига риоя қилиши керак. Таъкидлаш жоизки, Жанубий Америкада бундай китобларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

"ИНФЕРНО" ЯНГИ ТАЛҚИНДА

"Фаришталар ва Иблислар", "Ёлғон нуқтаси", "Да Винчи сирин" каби машҳур романлар муаллифи, америкалик ёзувчи Ден Браун ўқувчилар эътиборига "Инферно" номи китобининг янги талқинини ҳавола этди. Илк бор 2013 йили 200 миллиондан ошмиқ нусхада чоп этилган асарнинг янги наشري бир юз эликта рангли тасвир билан бойитилди. Улар орасида Боттичелли картиналаридан иқтибос қилинган лавҳаларни, Уффици галереяси, Венециядаги Сан-Марко собори манзараларини учратиш мумкин. Ёзувчининг фикрича, тасвирий ижод намуналари адабий асар гоёсини янада теран аңлаш имконини беради.

Республика Ёш томошабинлар театри жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист **Исмоил АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшманинг Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари Менгрон Олломурадга турмуш ўртоғи

Дўйнахон ОЛЛОМУРАДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Меҳри Абдурахмоновга турмуш ўртоғи

Бекмурод АБДУРАХМОНОВнинг


вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ОЛИС-ЯҚИН МАНЗАРАЛАР

Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатининг пешқадам вакилларидак ака-ука Мурод ва Мухаммад Фозилийнинг "Олис - яқин, абадий" номи ижодий кўргазмаси очилди. Унда муаллифларнинг рангтасвир ва графикадаги юздан зиёд асарлари мухлислар эътиборига ҳавола этилди.

Томошабинларни ҳайратга солган график асарларни ака-ука биргаликда яратган. Ижодкорларнинг касби меъмор бўлгани учун ҳам график асарларда мавзу ва шакллар уйғунлиги аниқ ечим топган. "Нух кемаси", "Тоғлар соясидаги туш" сингари асарлари бунга мисол бўла олади.

Рангтасвир асарлар Мухаммад Фозилийнинг ўн тўрт йиллик ижоди маҳсулидир. Рас-



Нигоҳ

сомнинг "Буюк Навоий", "Ҳосилдор ер", "Қўқон шамоли", "Қутиш", "Аждодлар руҳи", "Тақиқланган мева", "Ўтиб кетаётган вақт тарихи" каби асарлари кўпчиликка қизиқиш уйғотди.

— Мурод акам билан орамиздаги фарқ бир ярим ёш,— дейди Мухаммад Фозилий. — Бирга ўсиб, бир институтда таҳсил олдик. Бизни ўзаро боғлаб турадиган кўзга кўринмас ижодий ришта бор. Акам чицаётган манзарани мен бемалол тугатишим мумкин. Ёки аксинча. Келгусида қадриятларимизга бағишланган асарлар яратиш ниятим бор.

Сарвара ҚОСИМОВА

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғиндир. Айнан шу офат туфайли бутун дунё бўйлаб йилига қанчадан-қанча инсонлар бошпанасиз қолади, соғлиғидан ажраллади. Ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда содир бўлган ёнғинлар эса иқтисодиётга ҳам катта зарар етказиши мумкин. Ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ҳар бир фуқаро оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши, фаол кураш олиб бориши лозим бўлади. Айниқса қиш кунларида иситиш ёки электр тизимидаги, печка мўриларидagi аризмасдек туюлган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек ёнғин турган газ ва электр печларини уйда қаровсиз қолдирмаслик ёхуд ёш болаларга ишониб топшириш ҳам хавфсизлигимизга таҳдид солувчи сабаблардан эканлигини унутмайлик.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, уй бекаларининг оқшопада газ плиталарини кечаси ўчирмаслик ёки улар ёнида қийимларни ҳўрнатиш ҳам ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ана шундай лоқайдлик туфайли эса ёнғин билан боғлиқ аянчли воқеалар юз бермоқда. Зеро, ҳеч ким фарзандининг ёки яқинларининг ёнғин туфайли ногирон бўлиб қолишини ёки ҳаётдан бемавқат кетишини истамайди. Шу боис, оғоҳлик ва ҳушёрлик кундалиқ шиоримизга айланиши, фуқаролар ҳам ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари билан биргаликда баб-баравар ҳаракат қилишлари даркор.

Ёнғинга қарши кураш хизмати ходимлари **С.УБАЙДУЛЛАЕВ, З.ҚОРАБОВ, Т.ИСМОИЛОВ, С.РАҲМОНБЕРДИЕВ**

Китобдан яхши дўст бўлмас

Биз шундай яшадик: эллиқда қариб, Етмишга етганда бўлдиқ навқирон.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририятида босилган "Янги шеърлар" тўплами мундариҳаси бир неча туркумлардан — лирик шеърлар, мухаммаслар, дўстона ҳазил ашворлардан таркиб топган. Жумладан, "Дафтарда қолган сатрлар" туркумидаги шеърлар, муал-

лифнинг изох беришича, "турли даврда, турли ҳолатда, турли муносабат билан ён дафтарга ёзилган сатрлар".

Китобнинг номидан ҳам аңлашилиб турганидек, унга халқимизнинг сеvimли шоири Эркин Воҳидовнинг кейинги йилларда ёзган турли жанрлардаги сара асарлари жамланган.

Нашрга Н.Жўраев муҳаррирлик қилган.

Мирзақалон Исмоилий, Одил Ёқубов, Неймат Аминов, Тоғай Мурод каби ёзувчилар ҳақидаги хотиралари ўрин олган. "Истеъдод жиллолари" ва "Адиблар гулшани" бобларида ҳам яқин ўтмишдаги ва бугунги кундаги забардаст ижодкорлар, уларнинг асарлари ҳақидаги адабий ўйлар ва кузатишлар билан танишасиз.

Айниқса, "Қўнғил чорраҳалари" бобидаги "Тилини ҳакка чўқиган...", "Инсон вақт исқан жасида", "Адабиёт бозорига мослашадими" каби мақолаларда муаллиф китобхон билан тил ва сўз қўллаш борасида мулоқотга киришади.

Таниқли олим Иброҳим Ғафуров "Калавонинг ўчи" номи сўзбошисида Шодмон Отабекнинг сўзга нисбатан масъулияти ҳақида шундай ёзади: "Хайрли сўз унинг қалби заминига кириб бораркан, ўзи учун у ерда олижаноб муҳитга дуч келади, хайрли сўз бунда бекор ётмайди, балки тинмай ишлайди, қуртақлайди, бошқоқлайди, янгиланади. Шодмон Отабекнинг яхши сўзга ошўфталлиги — унинг инсоний эътиқоднинг сарчашмаси".

Ирода МУҲИДДИНОВА,
талаба

"МОЗИЙДАН САДО"

2014 йил 4-сон

Журналнинг мазкур сониди юртимизнинг бой тарихидан гувоҳлик берувчи маънавий-маданий бойликларнинг асраб-авайланишида музейшунослик ва музейлар фаолияти, уларнинг аҳамиятига алоҳида урғу берилган.

"Улғу юрт ўтмишининг бекиёс бойлиги" деб номланган беш мақолада бугунги шиддатли ижтимоий-иқтисодий глобаллашув шароитида миллий ўзлгимиз, қадриятларимизни сақлаб қолиш муаммолари ва бу борада юртимизда олиб борилаётган ишлар хусусида атрофлича фикр-мулоҳаза юритилди.

А.Ҳакимовнинг "Ўзбекистон Давлат санъат музейидаги дубулга" номи мақоласида халқимизнинг амалий санъат намуналаридан бўлган, Бухоридан топишган темир дубулганинг ягона намунаси ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Б.Бобожонов мақоласи эса ушбу мавзунинг бевосита давоми бўлиб, ўзига хос изох вазифасини бажарган.

Ж.Исмоиловнинг "Музейлар-музей мактаби-

дир", Ш.Қосимованинг "Виртуал музейлар" мақолаларида музейларнинг аҳамияти, улардаги маълумотлар ҳамда ашъларини интернет тармоғига жойлаштирилган музей ҳақидаги маълумотлар орқали кўриб ўрганиш имкониятлари ҳақида гап боради. Заҳматқаш манбашунос олимлар М.Ҳасанининг "Ихтиёроти бадийий" рисоласи, С.Ҳасанованинг "Шарҳи Илёл қўлёмаси", "Тарихий хотира манбалари" руҳида берилган Нурота, Афсона ва Кеш воқеасидаги музейлар ҳақидаги мақолалар ўқувчиларда қизиқиш уйғотди, деб ўйлаймиз.

Журнал саҳифаларидан жой олган Б.Ҳасанов, М.Зириллаевнинг "Муқаддас зиёратгоҳ", Г.Аҳмадалиевнинг "Олимпия шон-шўхрати музейи", Р.Ҳолиқов, Р.Қаюмовнинг "Самарқанд Давлат университетидagi музей" мақолаларида юртимиздаги музейлар фаолиятидан ҳикоя қилинади.

Журналларни варақлаганда

С.Шукурованинг "Музейшунослик тадқиқотлари" мақоласида Ж.Исмоилова ва М.Мухамедованинг "Музей предметлари атрибуцияси ва экспертизаси" ҳамда "Замонавий жаҳон музейшунослиги" ўқув қўлланмаларида музейшуносликнинг долзарб муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр юритилади.

Машхура РАҲИМОВА

Шу йилнинг 11 декабр пайшанба куни соат 15.00 да Ўзбекистон Миллий кутубхонаси кичик мажлислар залида устоз адиб Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб "Муҳаббат" кассасининг янги наشري тақдироти ўтказилади. Барча қизиққанлар тақлиф этилади.

ЭЪЛОС

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТЕУОТ ТАРКАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Тақлид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариқмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.58

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йили 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адаби — 7613 Бухорий Г — 1257. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5

ЖУМА КҮНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

